



Кўпчилик ўқувчилар В. Верешчагинни фақат рассом сифатида билишади. Дарвоқе, унинг мўйкаламидан чиққан катта-кичик расмлари санъат мухлислари орасида тилга тушган. У чизган Туркистон мавзуидаги турли маиший лавхалар ҳамда жанг манзаралари тасвири шафкатсиз реализми билан ажралиб туради. Уларда ранг-баранг бўёқлар, шарк халқлари ҳаёти, санъати, турмушига доир хилма-хил лавхалар, накшлар, безаклар, кошнлар жилоси анча тиник акс эттирилган. Айниқса, В. Верешчагиннинг «Темурланг дарвозаси» деб аталган расми хақида кўп ёзилган. Унда чиройли накшлар билан зийнатланган улкан дарвоза олдида донг қотиб турган икки сокчи тасвирланган, уларнинг кўлида узун найза, жанговар кийимлари бошдан-оёқ зирхга ўралган: калкон, совут, бошларида дубулга... Расм шунчалик жонли чизилганки, тасаввуримизда хозир эшик очилади-ю, жахонга довруги кетган буюк Темур ичкаридан чиқиб келадигандек туюлади...

Мен бу рассом ижоди билан ана шу сурат орқали илк бор танишган эдим. Янглишмасам, у бир пайтлар кичик бир макола билан «Гулистон» ойномаси зарварақларида эълон қилинганди. Кейинчалик унинг кесилган калла уюмлари устида гужгон ўйнаётган қора калхатлар тасвирланган «Уруш дахшати» ҳамда кўкнорихонада кайф қилиб ўтирган нашавандлар кифоаси чизилган асарларини кўрганман. Кейинги икки сурат ноҳуш кайфият уйғотади, айниқса, искирт одамлар, рўдапо, жулдур кийимлар тасвирини кўрганда очигини айтганда, жирканиш хисси пайдо бўлади.

Москвадаги мушхур Третьяков суратгоҳида бўлганимда бу рассом каламига мансуб «Голиблар базми» асарини кўриб, сесканиб кетган эдим. Унда Самарканддаги Регистон майдони тасвирланган. Тун. Гулхан ловуллаб ёниб турибди. Турли кийимдаги олаговур одамлар тўдаси... Катор қадаб кўйилган ходаларнинг учига... рус аскарларининг калласи санчиб кўйилган... Бу расми кўрган ҳар қандай кишининг дахшатга тушмай иложи йўқ. Унда ёвузлик, шафкатсизлик каттик қораланган. Аммо расм замирида рус зобитининг бошка пинхоний ниятлари усталик билан зимдан ифодаланган. У Самарканднинг чинакам хўжайинлари — ўзбекларни ёвуз, босқинчи, қонхўр одамлар сифатида гавдалантириб, уларга нисбатан европаликларда каттик қаҳр-газаб, нафрат уйғотмокчи, «шаркка маданият элтаётган» рус аскарларининг аянч қисматини бўрттириб кўрсатиб, кўз ёши тўқмокчи бўлган... Мен мана шу расми кўргунимча, В. Верешчагинни

чинакам реалист рассомлар каторида санар эдим. Ногох фикрим ўзгарди. У оддий тарафкаш, чор Россиясининг бошка халкларни босиш, кул килиш, талаш сиёсатини маддохлик билан куйлаган, унга садокат билан хизмат килган соткин ижодкорлардан бири сифатида кўз ўнгимда намоён бўлди. Аждодларимиз киёфасини искирт: рўдапо килиб тасвирлашга зўр бергани бежиз эмас экан унинг!

Рассомийнг «Живая старина» ойномасида (1888 йил, сентябрь) босилган хотиралари ҳам бу фикримизни тўла исботлаб беради. Аслини олганда, бу асар Самарканд калъасида киска муддат камалда колган боскинчи аскарларнинг «мардлиги», «жасорат»инни улуглаш учун ёзилган. Бу жанг-жадалда шахсан иштирок этган ва кўлига калам эмас, курол ушлаб, ўз она юртини ёвдан химоя килиш учун отланган аждодларимиздан канчадан-канчасини ер тишлатган рассом ўзи кўрган, гувоҳ бўлган воқеаларни, киргин ва катли ом манзараларини батафсил тасвирлайди. Тарихнинг такозосини каранги, В. Верешчагин ўзи хохламаган ва асло кутмаган холда чоризмнинг боскинчилик сиёсатини бевосита амалга оширган конхўр рус зобитлари башарасини фош килиб кўяди. Конли килмишларини, талончилик, зўравонлик, ўгрилик, муттахамликдан иборат ёвуз кирдикорларини фош этади.

Асарда бир канча рус зобитлари тасвирланган. Булар орасида Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори, рус армиясининг бош кўмондони генерал фон Кауфманга багишланган саҳифалар алоҳида ажралиб туради. Кейинчапик халкимиз орасида «кутурган йўлбарс» лакаби билан ном чиқарган бу «ярим пошшо» мураккаб киёфага эга. Самарканд шаҳри деярли қаршиликсиз таслим бўлган пайтда у «олижаноблиги», «саховати»ни кўрсатиш учун талончиликка йўл кўймайди. Бу билан яхши ном қозониб, чор Россияси ҳукумати мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда халкни осонликча тобе этишни мўлжаллайди. Чор кўшинларига қарши исён кўтарилгандан кейин эса Кауфманнинг сохта никоби тушиб, манфур башараси яккол кўринади. Самарканддаги тинч аҳолини аёвсиз қиришга, мол-дунёсини талаб, шаҳарни вайрон қилишга буйруқ беради. Айниқса, асар хотимасида бу генералнинг шафқатсизлиги, ёвузлиги таъсирли манзараларда қизилган.

Хотираларда полковник Назаровнинг қилмишлари тасвири учун анча кенг ўрин берилган. Уччига қиккан маишатбоз, арокхўр бу зобит беғуноҳ қишиларни қириш, қўхна мақитларни, буюқ обидаларни ёндириб, ер билан яқсон қилиш учун катта «жонбозлик» кўрсатади.

Ўзига бино кўйган бу маккор зобит ўлжага олинган байроқни аскарларга пайтава қилиб улашади. «Самаркандни ёндирувчиси» бўлиб «тарихга қириш», «ном қозонишпдек манфурликдан ўзини тиёлмайди у. В. Верешчагин бу манзараларни «холис» тасвирлайди: «каердан ўтган бўлсак, орқамиздан қора тутун бурқсиб кўтариларди», — деб очикчасига ёзади.

Боскинчилар ўлкамизни қилич ва тўп билан, зўравонлик билан забт этганини бугунги кунда тилга қирган турли-туман хужжатлар, далиллар исботлаб бермоқда. В. Верешчагин асарида тасвирланган ўликларни топтаб, янчиб ўтаётган, мурданинг кўзига найза санчаётган, кекса кампир билан навжувон ўсмирни аямай қиличдан ўтказаетган, беғуноҳ муллани миноранинг учидан улоқтириб юборгани хақида мактанаётган, буюқ обидаларга ўт кўяётган бағритош аскарлар ҳақли равишда ўқувчи нафратига учрайди. Бу саҳифалар чоризм босқини хақидаги тасаввурларимизга аниқлик қиритади, фикримиз уфқларини кенгайтириб, тарих хақиқатини қайтадан тирилтиради. Чор армиясининг садокатли зобити бўлган В. Верешчагин Самарканд шаҳридаги

«мардлиги ва жасурлиги учун» ўз замонасидаги энг олий мукофотлардан бири «Георгий крести» нишони билан тақдирланган.

Афсуски, истеъдод ва инсонийлик ўртасида баъзан ўтиб бўлмас говлар, чуқур жарликлар мавжуд бўлар экан. В. Верещагиннинг хаёт йўли ва ижоди бунинг энг яхши мисоли. Китобхон бу фикримизга янада ишонч хосил қилиши учун рассом хритраларининг давоми бўлмиш «1877 йилдаги Андрианополь босқини» («Живая старина», 1888, М-сон) очеркидан бир лавха келтирамиз. Муаллиф бир ўринда булгорларнинг чакувига кўра икки албан йигити камокка олиниб, боглаб кўйилгани хақида ёзади.

Томошаталаб рассом генерал Струковдан, буларни дорга осинг деб илтимос қилади. Генерал бунга қўнмайди, Хатто хайрон қолиб: «Василий Васильевич, сизни бу даражада конхўр деб ўйламагандим. Нега бунчалик ёвуз бўлиб кетдингиз!»— деб таъна қилади ҳам. Рассом эса дорга осиш манзарасини кўришни хоҳлаган эдим, деб бамайлихотир жавоб беради.

В. Верещагиннинг рассомлиги, истеъдоди ўз йўлига. Аммо қандай одамлиги, маънавий дунёси, калби қанчалик пуч эканлигини, зўравонлик, ўзгаларни эзиш, тахкирлаш руҳи кон-қонига сингиб кетганини юқоридаги аччиқ манзара кўзгуда кўрсатгандек аниқ намоён этиб турибди. Афсус! Халқимиз топиб айтганидек, «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин!»

В. Верещагин ва у мансуб бўлган гуруҳ босқинчилик сиёсатини муфассал авж олдираётган чоризмнинг садокатли (аслида, манфур) куллари сифатида тарихда қолди. Уларнинг ўзга халқларни эзиш, талаш, йўқ қилишдан иборат ёвуз кирдикорлари илгор инсоният вақиллари томонидан хақида қораланади.

Шу ўринда яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, чоризм сиёсати бутун рус халқининг асл манфаатлари учун бутунлай ёт, бегона эди. Ўз вақтида илгор рус зиёлилари босқинчилик ва талончиликка қарши фаол муносабат билдирдилар. Герцен ва Огарёвлар Лондонда туриб рус империализмининг истилочилик фаолиятини фош этувчи мақолалар эълон қилдилар. Буюк рус адиби Л. Н. Толстой бир қанча қисса ва хикояларида («Хожимуродни эсланг») ўз озодлиги, эрки учун рус зобитларига қарши мардона қурашаётган тоғлик қахрамонларнинг олижаноб сиймосини қатта меҳр, хайрихоҳлик билан тасвирлайди. М. Ю. Лермонтов оташин шеърларида «ювқисиз Россия» устидан аёвқисиз ҳукм чиқаради. Америка журналисти Мак-Гахан ўз хотираларида чор истибдодининг қонли манзараларини ҳаққоний қизиқ беради.

Туркистондаги харбий ҳаракатларда бевосита иштирок этган В. Наливкин беғуноҳ қон тўкишларга қандай олмасдан чор армиясини ташлаб кетади ва чекка Нанай қишлоғида ер сотиб олиб, қўш хайдаб, ўз меҳнати, билак қучи билан тирикчилик қилишни маъқул қўради. Бундай фидойилар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Афсуски, улар орасида В. Верещагиннинг номи йўқ.

Мазкур хотирани ўқиган ўқувчида яна бир савол тугилиши табиий. Одамларимизни қамситувчи тахкирловчи расмлар қизган, қонли уруш манзараларини «илҳом билан» тасвирлаган босқинчи рус зобитининг исми Тошкент қўчаларидан бирида нима учун ҳамон ўзгармай турибди! Бу саволнинг адолатли ечимини жамоатчилик ҳукмига ҳавола этамиз.

ТАРЖИМОН

Биз хаммамиз, яъни Самаркандни «забт этувчилар», генерал Кауфман изидан бориб, амир саройига жойлашдик; ниҳоятда баланд ва кенг хоналардан иборат асосий бинони генерал, сарой атрофидаги уйларни биз — кароргоҳ аъзолари эгалладик; менинг кадрдоним, генерал Головачевнинг чекига эса амирнинг собик харами тушдики, илгарилари хар кандай мард, жасур жангчининг ҳам бу ерга қадами етиши амри маҳол эди, табиийки, биз келгунча барча кушчалар қафаслардан бўшалиб, учиб кетишга улгуришганди.

Генерал Кауфман хоналари билан бизнинг уйларимиз Темурлангнинг машхур тахт залига тутшиб кетганди. Мухташам сарой айланаси хашаматли йўлакдан иборат бўлиб, тўрда чиройли бўртма накшлар билан зеб берилган катта оқ мрамор бўлаги — улугвор тахт — Кўктошнинг айни ўзи турарди. Бу ерга — мана шу саройга бутун Осиё ва Оврупонинг кўпгина жойларидан ҳукмдорлар ҳамда элчилар таъзим бажо этгани ташриф буюришар, тобелик ва садокат рамзи сифатида кимматбаҳо совға-саломлар келтиришарди. Темурланг (сўзма-сўз Оксок Темур маъносида) бу тахтда викор тўкиб ўтириб, кўп сонли вассалларини қабул қиларди. Мен кўпинча генерал Кауфман билан ҳозир биз забт этган жойларнинг тарихи, бу ерга келишга улгурган сайёҳлар, китоблар ва хоказолар хақида фикр алмашган ҳолда залда айланиб юрардим. Биз, айниқса, машхур Вамбери асарида учрайдиган ноаникликлардан хайратга тушдик, масалан, у Кўктош тахти хақиқатан ҳам яшил деб қайд этган, тахт устига ўрнатилган темир тахтачага битиклар ёзилган деб таъкидлаган эди, аслида тахт оқ, янаям тўғрироғи кулрангга мойил бўлиб, ёзувлар тошга ўйилганди ва хоказо. Генерал Кауфман бундай олди-кочдиларни кўргач. Вамбери умуман Самаркандда бўлмаган деган мулоҳазани билдирди.

Мен хар куни шаҳар ва унинг атрофларида кезиб, мачитлар, бозор, мактабларни, айниқса, галати тасодиф билан сакланиб қолган кўпдан-кўп эски мачит намуналарини кўздан кечирардим; ўрганиш ва расм чизиш учун шунчалик манба кўп эдики, ишни қайси биридан бошлашни билмай одам шошиб қоларди: табиат, иморатлар, қиёфалар, қийим-кечаклар, урф-одатларнинг ҳамма-хаммаси янги, асл ажойиб эди.

Бухоро амири шаҳарни қайтариб олиш учун 30—40 минг кишилиқ кўшин билан биз томонга келаяпти, деган миш-мишлар таркаганди. Кауфман қарши хужумга тайёргарлик кўра бошлади, биринчи навбатда аҳолини тинчлантириш ва хавфсизликни таъминлаш учун янги забт этилган шаҳар атрофларига кўшин юборди. Шаркнинг эски ва янги шоирларий томонидан тинимсиз мадх этилган, дабдабали, тенги йўқ, илохий Самарканд хақидаги турли сифатларни тўғридан-тўғри қабул қилмаслик керак, чунки Самарканд ҳам барча Осиё шаҳарлари қаби етарли даражада ифлос ва бадбўй эди.

Генерал Головачёв Каттакўргон қалъасини қўлга олиш учун отланди, мен ҳам жанг манзараларини жилла курса энди яқиндан кўрайин деган умидда бу кичик сафарга бирга бордим, аммо чангдан бошқа ҳеч нарсани кўра олмадим, чунки отряддаги зобитларни хаддан ташқари афсуслантирган ходиса юз берди — қалъа жангсиз таслим бўлди. Суворийлар бошлиғи Штрандман ишнинг бундай тинч яқунланганидан ниҳоятда

газабланди ва калъанинг таслим бўлганини билдириб, садокат изхор этиб келган элчиларни менга топширинг, уларга довуракликни ўргатиб кўяман, деб генералдан талаб килди. Отряд оташинлик билан кутган иш кўлдан кетди — мукофотлар, нишонлар, мартабалар бой берилди — алам килмайдими?!

Бояги суворийлар бошлиги ўз казакларини гўшт билан кандай таъминлаганини эшитиб, кулгидан ўзимизни тия олмадик. Ахоли йўл атрофидаги хамма молни хайдаб кетганлигидан ҳеч нарса топиб бўлмасди, шунда полковник катъий чораларни кўллашга қарор қилади ва вахмистрни чакиради.

— Нега бизнинг букалар узоқда бокилаяпти? У ханг-манг бўлиб қолади.

— Кандай букаларни айтяпсиз, жаноби олийлари?

— Бизнинг букаларимиз деяпман-ку сенга, нима, кўрмаяпсанми?—У кўли билан қаршимизда ястаниб ётган бадавлат Зарафшон водийсида ўтлаб юрган молларни кўрсатади.

— Кўраётганим йўк!..

— Гап кайтарилмасин! Хозирок бу ёкка хайдаб келинсин!

Бир неча букани отрядга хайдаб келишади ва уларни бир зумда шунчалик паккос туширишадики, эгалари генералга шикоят қилиб келишганда, уларнинг на суяги, на терисидан ном-нишон қолган эди. Генерал казакларнинг найрангини сизди ва товон тўлашга мажбур бўлди.

Кавказлик жасур зобит Пистолькорс жануби-шарк томондан келаётган Шахрисабз ва китоблик ўзбек аскарлари тўдасини тигга тортиш учун юборилган эди. У кўшинни енгилга енгди, хатто барча голиблар каби жанг майдонида тунаб ҳам қолди, аммо манзилга қараб юриши биланок, душман яна бирлашиб, шундай зарба бердики, таъбир жоиз бўлса, унинг на елкасига миниб олиб, Самаркандгача қувиб келди. Генерал Кауфман ва биз қайтиб келаётган отрядни қутиб олиш учун отландик, шаҳардан ташқарига чиқишимиз билан бизни ўкка тутишди, атрофдаги дарахтзорлар орасида шундай кизгин отишма бошландики, кўмондоннинг хавфсизлигини таъминлаш учун ёнимиздаги барча казакларни шу захотиёқ қарши ҳужумга ташлашга тўғри келди; биз ярадорларни олиб, қайтишга мажбур бўлдик. Оқибати чекиниш билан яқунланган бояги галаба қўпчилик зобитлар орасида норозилик уйғотди, ботир зобит, учига чиккан маишатбоз полковник Назаров Самаркандга қараб қилинган бу кейинги ҳаракат жуфтаси ростлашдан бошқа нарса эмас, деб баралла гап таркатгани учун Кауфман томонидан қамқоқ олингани ва бўлажак ҳарбий ҳаракатларда қатнашишдан маҳрум қилингани ҳақида эшитдим.

Ерли ахоли буни чинакам муваффақият деб ўйлаб, хурсандчилигини яшириб ўтирмади, аслида эса у бизни ёв хали батамом мажаклаб ташланмагани, бор-йўги лат еганидан огохлантирди, шарқда бундай ходиса тез-тез учраб туради. Тезликда ўзини ўнглаб олган рақиб хали қурашга қодирлигини билдириб қўйганди. Нима бўлганда ҳам шаҳарни душман қураб олди, деган хабар бир зумда тарқалиб кетди. Биз, ёшлар, парвойи-палак эдик, отрядга оз ёки кўп даражада бирон-бир хавф тугилиши ёки ўзимга қандайдир зиён-захмат етиши мумкинлигини ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Ҳар қуни бир казак ҳамроҳлигида бозор ва шаҳардаги қўчалар ва йўлқалар бўйлаб айланардим, ҳаётим ҳар соат, ҳар дақиқа қил устида бўлганлигини кейингина англаб етдим. Кўшин кўмондони шаҳардан ташқарига чиқаётган пайтда айрим қўчаларда мулланинг ваъзини жон қулоғи билан тинглаётган аксари ўрта яшар одамлар тўдаси учраб турарди; Пистолькорс отряди қайтган қуни эса бундай ваъз ўқийётганлар сони кўпайган, чамамда халқни

кофирларга карши жангга отланишга чорлашаётган эди. Калъага тезрок етаколай, деб бозорга борадиган катта кўчадан бурилиб, тор, кингир-кийшик йўлкадан кетаётганимда, муюлишлардан биридаги мачитнинг катта дарвозаси очилиб кетди, ичкарида одам тўла эди, кизил кийимли киши — Бухоро амирининг айгокчиларидан бўлса керак — нутк сўзлаб турарди. Халойик таркалаётган пайтда энг кейинда овози ва кўл харакатлари билан халкни кўзгалишга даъват этиб менинг танишим — Шердор мачитининг катта муллеси борарди.

— Салом, мулла!— дедим мен; у жуда даргазаб бўлса-да, хаммининг кўз ўнгида ўзига узатилган кўлни олиб кўришишга мажбур эди.

Генерал Кауфман шаҳардан чиқиши биланок ахоли кўзголон кўтармокчи, деган гап айланиб колди. Аммо мен туну кун ерли ахоли орасида кезиб юрар эканман, худди шундай бўлади деган фикрга аллакачон келган эдим, бошка хаёл, хатто тасаввуримга хам сигмасди. Шу кунларда мен шаҳар ташкарисидаги Шохи Зиндага — Темурангнинг ёзлик саройи шундай аталарди — элтадиган йўлдан бориб, у ердаги мачитлардан бирида сакланиб колган, бир вақтлар унга тенгсиз кўрк багишлаб турган мўъжизакор накшлар тасвирини чизаётган эдим. Уруш манзаралари ўрнига хаммаёқда нукул кум, чангу губорни кўравериш меъдамга тегиб кетганидан биринчи оқазия биланок Самарканддан кайтиб, Кўконга саёхатга жўнашга қарор қилганим учун хатто генерал Кауфман билан хайр-хўшлашиб хам кўйтандим. Бахтга карши, эртаси куни, у кетгандан кейин шаҳарни қуршаб олган шахрисабзликларнинг тахдиди туфайли хали-бери оқазия бўлмаслигини маълум қилишди, бунинг устига шаҳар мададга мухтож эди, 3 чакиримга чўзилган деворни кўриклаш учун калъамизда бори-йўги 500 одам бор эди.

Яна бир кундан кейин, эрта тонгда сарой ховлисидаги мен истикомат қилаётган хонага ерли-ахолини бошқариш учун колдирилган ураллик казак, майор Серов чопиб кириб келди. У қуролланган халойик бизга очикдан-очик душманлик қайфиятида турганлиги вадидан бундан кейин шаҳарга бормаслигимни тайинлади. Шахрисабзликлар шаҳар остонасига келиб, ичкарида исён кўтарилиши ва калъага хужум бошланишини кутишаётган эмиш.

— Худо хақки, калъа деворидан ташқари чика кўрманг,— деб мени оғохлантиради у, ўлдириб кўйишлари мумкин, изсиз гумдон қилишади, ким ўлдирганиниям аниқлаб бўлмайд қолади.

Афгон отрядимиздаги бир форснинг суратини куни кечагина чиза бошлагандим. Агар шу кўлимни ушламаганда, тан оламанки, бу гал хам хеч қандай хавф-хатардан кўркмасдан шаҳарга отланган бўлардим.

Душман Бухоро тарафидан бостириб келади, деган тахмин тўғри чикди, эртаси куни, тонг сахарда хужрамдан чикканимда кўлларида дурбин ва кузатув асбоблари ушлаган калъа маъмурларини кўрдим.

— Нима гап?

— Мана бу ёққа қаранг!

Дурбинда хам, дурбинсиз хам шаҳар узра юксалган Чўпон-ота тепалиги кўшинга тўлиб кетгани аниқ-таниқ кўриниб турарди, милтик найзалари қуёш нурида ярқиради.

Аскарлар орасида отлик бошлиқлар айланиб юришар, чопарлар серхаракат бўлиб қолишганди. Орамиздаги баъзи ёши катта зобитлар хозир калъага хужум бошланади, деган катъий фикрда эдилар, бошкалар эса бундай бўлишига мутлақо ишонишмасди, мен хам ана шу кейингилар қаторида эдим. Мунозара қилаётганлар ичида калъа қутволи, майор Штемпель, бояги Серов хамда юқорида айтганимиздек, тили захарлиги учун

жазога дучор бўлиб, Самаркандда колдирилган полковник Назаров бор эди, мен у билан шу пайтгача таниш эмасдим.

Шу куни афгоннинг суратини деярли битираёзгандим, факат оёқларини чизишим колганди, аммо бугун буни уддалай олмаслигимга кўзим етди. Ёдимда бор, кечкурун сапёр Б.нинг таклифига мувофик душман шахар томондаги калъа деворига туташ кўтармани кандай кўпораётганини кўргани бордим, Генерал Кауфман кетишидан олдин эски деворнинг бузилиб, бемалол ўтиш мумкин бўлиб колган жойларини тузатишни мана шу зобитга топширган, аммо мухандислар жиддий хужум бўлишига ишонишмаганлигидан бу ишни кўл учида бажаришаётганди, Чўпон-отага тўпланган ёв кўшинини кўргандан кейингина улар гайратга кириб кетдилар. Шунисигаям шукур, шахарга ўтиш мумкин бўлган энг катта ўпирилган жойни жанг бошлангунча тузатиб улгуришди, агар ярим соат кечикишганда борми, бутун калъа кўлдан кетган бўларди.

Эртаси куни афгоннинг чала колган суратини битирмокчи эдим, хизматимдаги казак эндигина олиб келган чойни ичаётган пайтимда узундан-узок отишма бўлиб. «ур! ур!» деган дахшатли кийкириклар эшитилди ва у кучайгандан кучайиб борди. Ахвол жиддийлигига аклим етди: калъага хужум килишарди!—револьверимни чангаллаб, жоним борича отишма бўлаётган жойга — Бухоро дарвозасига югурдим. Карасам, ўзи тушган уй олдида ранги окариб Серов турибди, хадеб мўйловини асабий холда юлкиб бураяпти — бу жасур, кетворган казак огир ахволга тушиб колганда доим шундай киларди.

— Мана буни каранг-а, мана буни каранг!— деб такрорларди у.

— Нима, ишимиз ёмонми?

— Хозирча ёмон эмас, аммо кейин нима бўлади? Ўзингиз биласиз, гарнизонимизда 500 одам бор, улар эса, мендаги маълумотларга кўра, 20.000 дан ортик.

Мен олдинга караб чопиб кетдим. Мана, Бухоро дарвозаси. Тепадаги майдончада тутун ичида колган аскарлар душман томонга тинимсиз ўк ёғдиришади, югуриб борар эканман, химоячиларимиз озлигини кўриб, биринчи дуч келган, ўк еб ўлиб ётган жангчининг милтигини олдим, чўнтагимни ўк-дорига тўлдириб, харбий дўстларим билан биргаликда 8 кун калъа мудрофаасида турдим, бу азбаройи кандайдир кахрамонлигимдан эмасди, гарнизонимиз оз сонли эди, шунинг учун госпиталдан эндигина тузалиб чиккан, хали кучга кирмаганлар ҳам ҳеч бўлмаса найзалар сонини кўпайтириш учун хизматга сафарбар килиндики, соғлом одамнинг бир чеккада томошабин бўлиб туриши гунохи азим ҳамда тасаввурга сигмайдиган хол эди.

Биринчи хужумни даф килиб, дарвозани амаллаб ёпиб олдик, душман оркага силжиб, деярли деворларга туташиб кетган уйларга жойлашиб олди ва биз томонга тинимсиз ўк ёғдиришда давом этди, улардаги милтиklar, табиийки, жуда ёмон бўлиб, ўки йирик эди, аммо мерганлик билан отишарди, бунинг устига биз ўк узиб, мўлжалга тегизишга кийналардик, сабаби улар уйлардаги кичик-кичик туйнукчалар оркали бизни бемалол нишонга олишарди. Биз томонда бундай туйнуклар йўклиги учун деворнинг нурай бошлаган бўғотидаги пана жойлардан туриб отардик, талафот ҳам шунга яраша кўп эди. Ёшрок аскарлардан бири бегамлик килиб уйдан бошини чиқарган ўзбекни менинг кўз ўнгим-да кулатди, яна ботирлиги кўзиб, туйнуклардан бирига каратиб чакконлик билан ўк уза бошлади, ракибнинг милтиги ишдан чикдими ё тумшугидан ўк едими, хар калай талай вақтгача у томондан ўк отилмади. Рухланиб кетганидан завкланиб кулиб, ўзича хазил-мутойиба килиб турган аскар ногох кесилган дарахтдек кулади, нак манглайдан ўк еган эди, унинг отилмай колган патронларини мерос килиб олдим. Ковургасига ўк

теккан яна бир аскар кўлидан милтигини тушириб юборди, у кўкрагини чангаллаганча майдончада зир айланиб кичкирар эди:

— Ох, биродарлар, ўлдиришди, ох ўлдиришди! Ох, ажалим етди!

— Нега бакирасан, тентак, ётсанг-чи!—хитоб килди унга якинрокда турган ўртоғи, аммо бечора ҳеч нарсани эшитмасди, яна бир марта гир айланиб чиккач, гандираклаб ёнбошига куладия ўлди, ўк-дориси ҳам менинг захирамга кўшилди.

Кўп ўтмай майор Альбедил келиб, кичик зобитдан кўмондонликни қабул қилиб олди, душман эгаллаган маррани синчиклаб кузатгач, у-бу деб буйрук берди, аммо у ҳам узок раҳбарлик қилолмади, ёдимда бор, ниманидир гаплашаётган эдик, у бирдан ўтириб қолди ва «яраландим» деди. Уни елкамда суяб, аскарлардан бирини чақирдим-да, аввал пастга олиб тушдим, сўнг дарвозадан бир чақиримча узокликдаги амир саройига жойлашган шифохонагача олиб бордим. Альбедил охириги буйруқларни ҳам мардона берди, довдираб қолган аскарларни қаттиқ туришга, чекинмасликка даъват қилди, сўнг шундай бўшашиб, шалпайиб осилиб қолдики, уни солдатларга бериб юборишга кўнглим бўлмасдан турар жойигача элтиб қўйдим. Ярадор йўлда ниҳоятда толиқди, замбил йўк эди, манзилга бир амаллаб етдик.

— Сезиб турибман, ярам жуда оғир,— деди у.— Куним битганга ўхшайди. Мен, албатта, унга тасалли бердим, ўк оёгининг юмшок жойига текканини айтиб, ўтиб кетади, хали тузалиб, ўйинга ҳам тушиб кетасиз, деб кўнглини кўтардим.

Дархақиқат, у тузалди, ўйинга тушадиган бўлди, аммо бухороликларнинг ўқи барибир кучини кўрсатди, у мен ўйлагандан кўра кўпроқ зарар етказди, суякни тешиб ўтмаган бўлса-да, мажаклаб ташлагани учун унга неча йилларгача азоб бериб юрди.

Альбедилни докторга топширгач, яна орқага — отишма ва «урхо-ур» қайнаб ётган дарвоза томонга чопдим. Озгина юрмасдан, чапда, девор муюлишида турган бир гуруҳ аскарларга кўзим тушди: улар тўда бўлишиб журъатсиз овозда «ура!» деб кичкиришганча хужум қилаётганларнинг бошлари хар лахзада кўриниб турган бўғотларга қараб тартибсиз ўк узишарди.

— Хаммамиз шу ерда ўлиб кетамиз,— таъкидлашарди ковоғи солиқ, аскарлар.—

Парвардигор гуноҳларимиз учун жазо берди! Тирик чиқолмайдиган бўлдик.

Кауфмангаям балли-е, истехком курмади-ю, бизни ташлаб кетди-қолди...

Кўлимдан келганча далда бердим:

— Шунчалик обидийда қилишга уялмайсизларми? Хали туриб берамиз, нахотки тириклай таслим бўлсак?

Девор оша биз томонга улоқтирилган номаълум олов жисм аскарларнинг ўтақасини ёриб юбораёзди.

Бир гуруҳ аскарлар зобит бошчилигида девор бўйлаб анча наригача боришди — юкорида номи тилга олинган полковник Назаров қалъага ёпирилган фалокатни кўргач, камокка олинганини дарҳол унутиб, қурол ушлашга мадори келадиган шифохонада ётган ўз батальонига қарашли аскарларни тўплаб энг хавфли нуқтага етиб қелганди. Унинг ёнига бутунлай довдираб қолган жангчилар чопиб кела бошлашди.

— Жаноби олийлари, ёриб ўтишяпти, ёриб ўтишяпти!

— Кўркманглар, биродарлар, мен ёнингиздаман.— Унинг хотиржамлик ва ишонч билан берган жавоби тинимсиз хужум ва шовкин-сурондан гангиб, ўзини йўқотиб қўйган аскарларга жуда тез таъсир кўрсатди.

Шу дақиқадан бошлаб Ўрта Осиёга доир ҳарбий ҳаракатлар солномасида батафсил баён этилган ва саккиз кун давом этган мудофаа чоғида иккимиз доим бирга бўлдик.

Яна «ур! ур! ур!» деган кичкириклар тобора якинлаша бошлади ва девор узра хужум килиб келаётганларнинг каллалари кўринди, улар калъага ўтишга тайёрланишаётган эди, чамамда. Аскарлар буйрукни кутиб ўтирмасдан. бирва-ракайига ўк ёғдиришди, каллалар гойиб бўлди ва атрофга сукунат чўкди, осонгина кириб олишни мўлжаллаган оломон кучли каршиликка дуч келгач, девордан узоклашди. Гап шунда эдики, деворнинг нураган мана шу жойида хар икки томонга бемалол ўтиладиган сўкмок бўлиб, уни хали ёпиб улгуришмаганди, калъага кириладиган махфий йўлларни беш кўлдек яхши биладиган махаллий ахоли хужумчиларни бу ёкка тўгри бошлаб келишгани аник эди. Команданинг бир кисмини колдириб, бошка томонга кетдик. У ёкдан олдинма-кейин бир неча ранги бўзарган, харсиллаб колган аскарлар Назаровнинг олдига чопиб келишарди. Улар етиб келмасданок узокдан туриб:

— Жаноби олийлари, у ёкда ёриб ўтишяпти, у ёкда!— деб кичкиришарди. Дарвозадан ўнгга караб ташландик, бир тўда корамагиз ўзбеклар деворнинг ўпирилган ва ёгочлар билан нари-бери тўсиб кўйилган жойини эндигина бузишаётган экан, улар найзабозлик тугул узокдан ўк узишимизни хам кутмаган чоги, биринчи хамладаёк кочиб кетишди.

Уч чакиримга чўзилган бу калъанинг хамма ёғи илвиллаб колган, хохлаган жойидан ёриб ўтиш мумкин эди, бунинг устига ичкаридаги сон-саноксиз уйчалар унга туташиб кетган эдики, мабодо душманнинг озгина кисми кириб олса, уларни хайдаб чикариш жуда кимматга тушган бўларди.

Одам айтишга хам, хатто эслашга хам уялади: биз оркага эндигина бурилгандик.

Николай Николаевич Назаров карам шўрва ичиб олсак ёмон бўлмасди, деб огиз жуфтлаган эдики, аввалги жойимиздагилар изимиздан чопиб келиб колишди:

— Жаноби олийлари, авф этасиз, хужумга ўтишяпти.

Яна югуриб кетдик. Хеч ким кўринмаса-да, кучли шовкин-сурон эшитилар ва кучайтандан-кўчайиб борарди, хатто кичкираётган алохида овозларни ажратиш мумкин эди, улар жуда якинда бўлиб, табиийки, деворни бузишга тайёрланишаётганди, биз дамимиз ичимизга тушиб, кута бошладик.

— Девор устига чикайлик, нима килишаётганини кўрамиз,— деб шивирладим Назаровнинг кулогига, кутавериб, тбкатим ток бўлганидан.

— Жим! — хитоб килди у.— Кани, киришсинчи.

Мана шу холатни суратларимдан бирида акс эттирганман. Нак бошимиз устида кийкириклар эшитилиб турибди, довюррак сарбозларнинг калласи бўгот лабида кўрина бошлади хам, «ура!» садолари янгради ва биз томонимиздан шундай кучли ўк ёғдирилдики, яна найзабозликка эхтиёж колмади, душман оркага чекинди.

Бу бетўхтов хужумлар аскарларга кучли таъсир килиб, гангитиб кўйганлиги кўриниб турарди, хамма жойда «маконимизни шу ердан топамиз» деб такрорлашарди улар. Вакти-вакти билан хазил-мутойиба килиб, одамларнинг кайфиятини кўтариб Туриш учун Назаров анчагина куч-гайрат сарфлади. Умуман, хужум палласида аскарлар матонат билан туриб беришганини яккол хис килдим. Хужумлар орасидаги озгина тиним чогида хам ракиблар тез-тез гашга тегиб туришарди: аллаканчаси девор бўйлаб яшириниб келар ва кўз очиб юмгунча мил-тикларини бўшатишиб, довдираб колган аскарлар жавоб кайтаргунча гойиб бўлишарди, уларнинг ўклари онда-сонда нишонга тегса-да, одамларнинг кайфиятини бузарди, бизникилар доим догда колишар, отган ўклари эса девор бўлакларини кўчириб туширарди, холос. Буни кўриб ниҳоятда газабим кўзиди, мил-тигимни шайлаб, корабошлардан бири келармикин, деб анча вакт пойлаб тур-дим,

хатто сабрим чидамасдан ёмон сўзлар билан сўкиниб юбордим ҳам — аскарлар шу захотиёк танбех беришди:

— Энди сўкишдан фойда йўк, фурсат ўтди.

Аскарлар олдинга мени «хазратлари» деб аташди, аммо Назаров Василий Васильевич деб мурожаат килаётганини эшитгач, дархол уни илиб олишди ва тез орада, бутун гарнизон — касалхонадаги беморларгача — «Василий Васильевич» кимлигини биладиган бўлди.

Шу пайт калъадаги артиллерия бошлиги, омадли жасур капитан Михневич хаммамизга девордан ошириб, душман тўдасига улоктириш учун кўл гранаталари таркатиб чикди. Бахтга карши ташкаридаги гала-говур тиниб, уларни кайси тарафга улоктиришимизни билмай колдик, бунинг устига яна кандайдир хийла ўй-лашаяптимикин, деган хавотир ҳам бор эди — девор устига чикиб, душман каер-далиги ва нима килаётганини билиш жуда зарур бўлиб колди. Офицерлар бир неча аскарни юборишди, аммо улар бир-бирини туртиб, олдинга унда-шар, мукаррар ўлимга боришни ҳеч ким хохламасди. — Тўхтанглар, мен гимнастикани биламан!— дедиму юкорига югурдим, Назаров: «Василий Васильевич, сизга нима бўлди, кайтинг, бундай кила кўрманг!» деганча колаверди.

— Тушинг! Пастга тушинг! — шивирлади Назаров, мен оркага кайтмадим, ростини айтсам, вахима боссада, орият кўймади. Бўгот лабида ётганимча: «Энди у ёкка кандай карайман, ўрнимдан турган захотиёк отиб ўлдириша-ди-ку», деб ўйлар эдим, бундай пайтларда ҳар кандай хаёл мияга бир-икки лахзадаёк келади-колади — шартта ўрнимдан турдим. Каршимда — девор билан уйлар орасини тумонат одам босиб кетганини кўрдим — хаммасининг нигоҳи саллала кишига каратилганди — кандайдир кенгаш қилишаётганди. Улар ногоҳ бошларини буриб мен томонга карашди ва илк дакикада хайратдан донг котиб қолишди — ана шу ҳолат мени куткарди; эс-хушларини тўплаб: «Мана! Мана!» деб бакиришганда яшириниб улгурган-дим,— мен тўрган жойга ўнларча ўк ёгилди, чанг-тўзон кўтарилди.

— Тушинг, худо ҳакки, тезрок!— фигон киларди пастда меҳрибон Назаров, албатта, энди буни таъкидлашга ҳожат йўк эди; одамлар тўпланиб турган тарафни кўрсатдим, кўп ўтмай гранаталар портлаб у ёқда шунаканги Дахшатли кийчув, тўполон кўтарилдики... Мўлжал аник олинган эди.

Назаров ўзига-ўзи хўжайин бўлганлиги учун хоҳлаган жойга бориши мумкин эди, шундан фойдаланиб, деворнинг хамма томони бемалол кўриниб турадиган калъа бурчагига жойлашдик. Тан олиш лозимки, Самарканд калъасининг деворлари баланд ва кенг эди, у юз йиллар қаъридан емирилмасдан омон чиккандй, озгина сокчилар ёрдамида химоя килса бўларди-ю, аммо бахтга карши унинг кўп жойлари нураб кетган, бирваракайига бир неча ерни кўриклашга тўғри келарди, мудофаадагилар озчилик бўлиб, ноиложликдан оёкка тургазилган касаллар ва ярадорларни ҳисобга олмаганда бор-ўйги 500 га яқин одам бор эди. Касалларнинг айримлари шунчалик қувватдан колган эдики, хатто «ура» деб кичкиришга холи келмасди; милтикни зўр-базўр ушлаб туришарди; ёнгинасидаги шериги ўк еб ўлса ёки яраланса, нарирокдагилар газабланиб кичкириб қолишарди: «Хой, нега озингни очиб караб турибсан, кўтаришиб юборсанг-чи!»

— Кучи-чим ет-май-ди, қув-ва-тим йўк.-

— Кимирлай олмасанг, нега келдинг?!

— Кайдан билайин, буйрук шундай бўлди, хаммамизни девор ёнига хайдаб келишди. Биз янги кузатув ўрнимизга жуда яхши ўрнашиб олдик. «Барин»дан ажралишни

хохламасдан мени излаб келган казагимни сигареталаримни олиб келишга юбордим, Назаров нон ва арок келтиришни буюрди. Тамадди килиб, сигара чёкдик — рохатижон бўлди! Сигара шундай кувнок кайфият багишладики, мен яна бир кутисини сотиб олдим ва ён-атрофимиздагиларга улашиб чикдим — хаммаёк тутунга тўлди. Карам шўрва таркатилди, хамма корнини тўйгазиб олди, эрталаб-ки ичилмай колган чойдан кейин кун бўйи кўлимга теккан овкат шу эди. Назаров бутун командаси билан томнинг соясига жойлашди, мен эса девордаги коровул ёнига бордим у ерда ўктин-ўктин милтик отилиб турар, ўкка учган айгокчини кандай йикилаётганини бемалол кўриш имкони бор эди. Ёдимда, кўшнимнинг ўки бирини йикитди, аммо у ўлмади, гимирлай бошлади, аскар уни биратўла саранжомлаб кўймокчи бўлган эди, шериклари йўл беришмади.

— Кўй, Серёга, отма!

— Ахир кетиб колади-ку.

— Кетса-кетаверсин, энди у жангга ярамайди!

Дархакикат, у кетди, бизни гафлатда колдирганига тўла ишонган холда усталик билан жила бошлади, у девор якинида, кўча ўртасига йикилган эди, тез харакат килиб сездириб кўймаслик учун ётган жойидан секин ёнбошига аганади ва шу алфозда охиста сурила-сурила тўсик ёнига етиб борди, бир неча кўл чўзилиб уни дархол тортиб олишди, улар ўрисни лакиллатдик деб ўйлашди, ўрис Серёга хамда бошка кўпчилик ўрислар ўлдиришни хохламагани хеч кимнинг хаёлига хам келмади, албатта.

Мана шундай таъсирчан манзараларни хисобга олмаганда, бизникилар хеч кимни якин келтиришмади; аммо бизни хам «сийлаб» туришарди! Ўқлар хамон уйлардан отиларди, калъанинг маълум нукталари кичкина шинаклар оркали хар доим нишонга олинган, бош кўтарсанг бас, ўкка учининг тайин эди. Уларнинг ўқлари сапёрларимиз якингинада куриб улгурган тўсикларга визиллаб келиб уриларди. Бир марта, эндигина тепкини босаман, деб турганимда, ўк нак тўсикка келиб тегди, устимга кум ва камиш ёгилди. Чидаб туролмасдан кўлларим билан юзимни бекитдим.

Мени яраланди, деб ўйлаган Назаров:

— Дарров олиб тушинг! — деб бакирди пастдан туриб. Бошка сафар, нишонни пойлаб ётган кўйи, ёнимдаги кўшнилари билан гаплашмокда эдим — юмшок бир нарса келиб урилганини эшитдим — атрофга олазарак кўз ташладим, карасам, кўшним кўлидаги милтигини тушириб юборди ва огзидан кўпик сачратганча девордан умбалок ошиб кулади...

Назаров икки ёш офицер билан, уларнинг исми ёдимда йўк, ўз уйидагидек бемалол жойлашиб олганди. Бир идишдаги аракни бўшатгач, аскарларга яна келтиришни буюрди, одатига кўра хушчакчак бўлиб, хазилкашлик кила бошлади, аскарларнинг каттик кулгиси ва биз эгаллаган тўсиккача эшитилиб турган тилга олиб бўлмайдиган ибораларга караганда, унинг мутойибалари хам ўта камтарона эди. Гўе хавф-хатар ўтиб кетгандек туюларди.

Аммо бу омонат хомхаёл узокка бормади. Кўп ўтмай, шахарнинг Бухоро дарвозаси томонда бизга таниш бўлиб колган хужумга чорловчи хитоблар эшитилди ва отишма бошланди, сўнг «жуда кисиб кўйишди» деб ёрдам сўраб, бир аскар югуриб келди. Назаров бурчакдаги манзилгохида бир гурух сокчиларни колдириб, ўзи илдам юриб, дарвоза томонга кетди: бу ерда бошчилик килиб турган офицер ўз ихтиёри билан рахбарликни унга топширди, сапёрлар бошлиги штабс-капитан Черкасов хам кўл остидагилар билан унинг измига ўтди. Яна хужум даф этилди. Коронгилик туша бошлади. Мис чойнак кайнатиб, , энди ичамиз, деб тараддуд кўрганимизда улгуролмай

колдик — яна хужум бошланди. Мен беихтиёр эрталабки ичилмай колган ва чамамда, хали хам хонамда турган чойни хамда оёги чизилмаган, энди кайта кўл уришим даргумон бўлиб турган афгонни эсладим.¹ Бу гал душман жуда тез ортига кэйтди, улар кетиши биланок дарвоза оркасида тутун кўринди. «Вой аблахлар-эй, ёндириб юборишмокчи-ку!» Худди шундай бўлди. Тезда кучли аланга гира-ширз осмонни ёритди. Дарвоза ағдарилиб тушиши биланок кучли хужум бошланди ва у сурункасига узок дзвон этди. Деярли юзма-юз отишишга тўгри келди. Ахвол танг бўлиб, гала-говур, шовкин-сурон кучайиб борарди, шу ахволда бекордан-бекорга дуч келган томонга ўк отаётган аскарларга караб бакириб бердим:

— Осмонга нега ўк узасизлар, у ёкда нишон йўк-ку!

— Кўркитаяпмиз, Василий Васильевич, — жавоб берди биттаси нихоятда жиддий алфозда.

Ёдимда, хужум килаётганлардан иккитасини, таъбир жоиз бўлса, профессорларча отиб кулатдим. «Ўк узишга ошикма,— дедим мен,— стволни мана бундай тўгрилаб, пойлаб тур», милтикни деворнинг дўнг жойига кўйдим, худди шу пайт чопон кийган, милтик осган киши шундоқкина дарвоза ёнида кўчадан чопиб ўтиб колди; ўк уздим, у ағдарилиб тушганча жойида котди. Ўк жуда яқиндан узилгани учун бечоранинг чопони тутай бошлади ва у, яъни курбон, бир кеча-кундуз давомида аста-секин ёниб, кора кўмирга айланди, жон аччигида огзини ушлаб колган экэн, кўли шу кўйи котиб колди, бу кора шарпа деярли бир хафта давомида кўз ўнгимизда ётди, асосий кўшинларимиз шахарга кайтиб келишаётганда уни, яъни менинг шўрпешона курбонимни босиб-янчиб ўтишди. Иккинчиси хам худди шу тахлитда ўкка учиб ўлди.

,— Каранглар, Василий Васильевич биз учун канчалик жон куйдиради-я,— дейишарди эскарлар.

Ёмонлик кетидан яшилиқ келади, деганларидек дарвоза ўпирилиши билан Черкасов кум-тупрок солинган копларни калаштириб жуда ажойиб тўсик ясади-да, йирик питра отадиган замбарак ўрнатди. Шундан кейин ишимиз бутунлай ўнгланиб кетди. Коронги тушганди, кулагэн дарвозанинг устун ва тахталари лакка чўг бўлиб ётарди. Назаров аскарларни коронгида кўринмайдиган килиб жойлаштирди, факат нэйзалэргинэ ялт-юлт этиб коларди. Ўртадаги замбарак хамда тўпчилар ва аланга шуъласида ок кўйлаги билан камзули товланиб турган зобит яккол кўзга ташланиб турарди. Ташкаридаги шовкин тобора яқинлашиб келаверди, минглаб хир-кирок овозлар: «Оллох! Оллох!» деб тинимсиз хитоб килишарди. Нихоят, олдиндагиларнинг киёфаси кўринди, улар оркадагиларни рағбатлантириб чорлашарди, хеч бири ўк узмасди, кўлларидаги курол килич ва калтакдан иборат эди; худди кўй подасига ўхшаб дарвозага ва замбаракка ёпирилишди... Биринчи!— поручик Служенконинг овози жаранглади. Тўп дахшат солиб гумбурлади, питранинг кандай чирсиллаб сочилаётганигача аник эшитдик. Сўнг сукунат чўкди — хеч нарсани кўриб бўлмай колди, хаммаёкни тутун чўлгаб олганди, бир-икки дакикадан кейингина узокдан овозлар кела бошлади, улар чекинишган, чамаси, ўзаро хисоб-китоб килишар, сўқинишар, бир-бирига дашном ёгдиришарди, биз эса ўзимизда йўк шод эдик. Бундай шиддатли хужумлар кетма-кет бўлиб турди; кандай килиб бўлса-да калъани эгаллашга аҳд килишгани сезилиб турарди, аммо тартибсиз бу оломон яқин масофадан отилаётган тўп ўқларига бардош беролмасдан чекинишга мажбур бўларди, Айни замонда, улар чекинаётиб халок бўлганларни суяб, кўтариб олиб кетишзётганини сезиб турардик, девор яқинида кулаганларни эса олиб кетиш имкони йўк эди — тонг ёришганда душман нечоглик кўп курбон берганлигини кўрдик, куёшнинг

ўткир тигида улардан бадбўй хид чикардик, шу кезларда бирон-бир юкумли касаллик таркалиб кетмаганигз хали-хали хайрон қоламан.

Хаммаёк тинчигандан кейин биз ҳам унча узокда бўлмаган мачитга ҳамла килдик, уни истехкомгз айлантириб олишгани ва барча хужумларни шу ердан бошлашаётгани бизга маълум эди. Душман узокка кетганига ишонч хосил килгач, тун коронгилигидан фойдаланиб бу ярамас мачит ичига охиста кириб олдик, зудлик билэн ёгоч, шох-шаббаларни тўплдик-да, ёндириб юбордик. Бизнинг зараримизга хизмат килган дарвоза якинидаги бир неча уйга ҳам худди шу тарзда ўт кўйдик. Ховлилардан бирида туркмени саман аргумокка дуч келиб колдик; уни менга совга килмокчи бўлишди, эммо мен бу иноятдан воз кечиб, отни эртелга топширдим, кейин эса эртелдан 40 сўмга сотиб олдим. Бу ерда ҳам ёнадиган нарсаларнинг хаммасини ёқдик. Ўзаро шивирлашиб гаплашардик, коронгида факат: «Николай Николаевич!, Василий Вэсильевич! Тутаткини бу ёкка беринг, тез, тез!» деган хитобларгина эшитиларди. Яна бир кизиги, Назэров ҳамлага туфли кийиб чикканди, ўйлашимча, бу паришонхотирликдан эмасди, у хеч қандай хавф-хатарни писанд килмаганидан, кечкурун ечиб кўйган этигини қайта кийишга эринган эди чамаси.

Олов тиллари кўтарилгач, жуфтаски ростлаб колдик, фурсат ҳам етган эди, ёнгинни сезган оломоннинг шовкин-сурони якинлашиб келарди. Ўтни ўчиришга уриниб кўришди, аммо энди бунинг имкони йўк эди, аланга кучайгандан кучайиб борарди.

Яна хужумга ўтишди, аммо якин атроф яккол кўриниб турганлиги туфайли бу уриниш ҳам муваффакиятсиз тугади.

Тун бўйи замбаракимиз ва ёкимтой командир Служенкога тиним бўлмади. Унинг «Биринчи! Биринчи!» дея жаранглаб турган буйруклари остида уйкуга кетдим. Шундоқкина кўча юзасига тахталарни тўшаб, милтигимизни тахт килган холда ёнбошладик, бундай галати шароитга кўникмаганим ҳамда бургаларнинг аёвсиз талашига ҳам парво килмай, донг котиб ухладим.

Тун ярмидан окканда галати овоздан уйғониб кетдим — биз ўт кўйган мачит ағдаралиб тушган эди. Хаммамиз девор устига чикиб, ишимизнинг натижасини томоша килдик; ажойиб кеча эди, хаво майин, осмон тўла юлдуз; коровулар ўз жойида хушёр, атрофни зийраклик билан кузатишади, бирпас гурунглашиб тургач, яна уйкуга кетдик.

Эрта тонгдан гоҳ биз томонга, гоҳ кечаги жойга, ундан ҳам нарирокдаги шахарга кириладиган асосий йўл томонга тинимсиз хужум килиб туришди. У ёкдаги дарвозалар олдига ҳам замбараклар кўйилди, кулай маррани эгаллашганди, бу томондан қалъага факат хандак устига курилган кўприк орқалигина кириларди, шу туфайли у ёклар анча бежавотир эди. Мабодо адашмасам, Жиззах дарвозаси деб аталган мазкур маррага чннакам хохол, ажойиб инсон капитан Шеметило рахбарлик килганди. Ахвол танг бўлиб колган пайтда Назаров хар икки томонга ҳам мадад кучлари юборди; биз кеча жанг килган жойга хужум килишаётгани яккол кўриниб турарди, хужумга ўтган оломон «ур» деган кийкириклар остида бўготларгача чикиб келишар ва бир канчаси ўлиб, ярадор бўлгандан кейингина чор-ночор орқага чекинишарди.

Нихоят, хаммаёк Тинчиди. Николай Николаевич мени нордон овкат еб олишга кўн-дирди, улар қарам шўрвани шундай аташаркан. Бизга эргашиб келган савдогарлар хохлаган вақтимизда, хатто хавф-хатар ёгилиб турган пайтда ҳам овкат топилишини кўпдан бери кулогимизга куйиб келишарди. Савдо-сотик ишларини йўлга кўйиш учун Самаркандга бирга келган рус савдогарлари бундай мушкул ахволга тушиб колганимиздан норози эди, албатта. Улардан бири — машхур Немчаниновнинг чой савдоси бўйича ишончли вакили

Трубчанинов шерикларига караганда мард чикиб колди, у кизил кўйлак кийиб, ов милтигини кўтарганча ёнимга келди; колганлари шунчалик кўркок эканки, отишма бошланиши биланок шам ёкиб, икона ёнига тиз чўкиб олишар ва тангрига илтижо килишдан бошкага ярамасди. Ўқлар ёгилиб, эшикларни тешиб ўтган пайтда улар хонанинг бошка бурчагига чор-ночор сурилишар, кичик калибрли замбарак ўқлари том устида ёрилганда учинчи жойга ўтиб, ибодат килишда давом этишарди.

Улар бизни едириб, ичиришар, аскарларга арак ва кутилаб сигареталар юбориб туришарди, бир гал девор бўйлаб юриб, савдогарларнинг тухфасини хохлаганларга таркатиб чиқдим. Бечоралар отишма вагала-говурдан, ўлгудек кўркишар, «кутилмаган мехмонлар» ана келади, мана келади деган вахимада кун ўтказишаётганини очикчасига тан олишарди.

Беморлар ва ярадорларимизни маросимлар залига жойлаштиргандик, аммо томни тешиб тиккасига тушган тўп ўки бир канча ярадорларга шикаст етказиб, докторни ҳам ўлдиришига сал колгандан кейин уларнинг бир кисмини уйларга, бояги савдогарлар ёнига ётқишишга тўғри келди. Боякишлар энди бутунлай оромдан махрум бўлишди, чунки Трубчаниновнинг айтишига караганда, ярадорларнинг кечаю кундуз килган нолайи зорига токат килиб бўлмас эди.

Темурланг яшаган залга бир канча жухуд оилалар жойлашиб олишганди. Мен Назаровга буларни мукаддас тарихий жойдан кўра бошка ерга кўчириш маъкул бўлмайди-ми, деб айтган эдим, у; «Нима учун,— деб жавоб берди.— Мен хали уларга... хам рухсат бераман!» Жухудлар хам анча-мунча экан, улар бола-чака, козон-товоги билан кўчиб келишганди, шахарга руслар киргач, улар яйраб, ўзларини эркин хис кила бошладилар, белига аркон ўрнига кайиш боглаб юрадиган, хатто бемалол от минадиган (ва хоказо) бўлдилар; булар илгари катъий ман этиларди, агар улар шахарда колишганда, кириб юборишлари аник эди. Менга айтишларича, каттик отишма пайтларида улар дахшатли дод-фарёд кўтаришар, худога илтижо килиб, юзларини юлишар экан. Жухудлардан бошка форслар, хиндилар, татарлар хам бор эди. Буларнинг хаммаси биз кириб келган пайтимизда истикболимизга чикишиб, энди нима бўлади, деб сўрашган, миннатдорчилик билдиришиб, этагимизни ўпишган эди.

Назаровга яна кўшин тўпланяпти, хадемай хужумга ўтишса керак, деб хабар килишди, биз жадаллаб девор томонга юрдик ва хужумчилар озлигини кўриб тинчландик. Аскарлар ечинмасдан туни бўйи тупрок ичида ётиб, хашаротларга роса ем бўлишганди, Назаров улардан бир бўлагини ажратиб, якинимиздаги мачитнинг ховузида ювиниб келиш учун жўнатди. Улар кетишаётганда: «Яхшилаб ювининглар, сизларни кўрганда...» деб шундай бир ибора ишлатдики, уни хеч кайси тилда ифодаб бўлмайди. Аскарлар хахолашиб: «Харакат киламиз, жаноби олийлари!» деб кичкиришди.

Отрядимиз энди анча кўпайиб колди, чунки бу дарвозада хавф кучли бўлгани учун

кутвол тўплаган одамларини бу ёкка юборгани. Тузалаётганлардан бошка казаклар хамда различинецлар хам бор эди, улар «ура» деб кичкиришарди-ю, нарирокда, уйларнинг панасида туришни маъкул кўришарди. Икки-уч батальон зобитидан ташкари, Назаров ихтиёрида яна иккита сапёрлик зобитлари юкорида тилга олинган Черкасов ва бутунлай гўр, дўмбоккина, якинда билим юртини битирган Воронеж хам бор эди. Кўпчилик ёш бўлганлиги учун орадан кулги ва хазил-хузул аримасди, факат фалончи ўлди ёки яраланди деган хабар келгандагина сукут сакланарди. Дарвоке, бизнинг Служенко хам огир ярадор бўлган эди. Мен йўк эдим, кейин Воронеж айтиб берди, бу жанговар зобит ок китель кийиб, огохлантиришларига кулок солмай, ташкаридагиларга яхшигина нишон бўлган холда кора аргумокда девор бўйлаб айланиб юрган экан. «Карасам, эгар устига энгашиб колди,— деб хикоя киларди Воронеж,— Служенко, сенга нима бўлди, деб сўрасам, жавоб бермайди. Отдан тушириб олдик, корнидан ўк еган экан».

Осойишталик бўлиб турганидан фойдаланиб, хамла пайтида ўлжа олинган туркман саманини синаб кўрмокчи бўлдим. Аммо хали 100 саржин юрмасимданок нак жаханнам ичига тушиб колгандек бўлдим — калъага килинган хужумлар ичида энг дахшатлиси бошланган эди.

Дуч келган казакка отимни бериб, жангга ташландим. Ўзбеклар туташ уйлардан ўтиб, бизга сездирмасдан худди мана шу ерда, яъни дарвоза олдида аллакачон деворга чикиб олишган экан, биз лоакал бирон-бир сас-садо эшитмабмиз хам, улар бинолар ичидан ўтиб, замбаракларимизга караб югуришди. Шу дакикада том устидан биз томонга ўклар билан бирга саноксиз тошлар ёгилди, олдиндан тайёрлаб кўйишган экан. Мен учун биринчи сийлов шу бўлдики, чап оёгимга кучли зарб билан отилган катта тош келиб тегди, огрикдан додлаб юбордим, оёгим синди деб ўйлагандим, йўк, ўтиб кетди. Хамма «ура!» деб бакиради-ю, аммо олдинга ҳеч ким юрмайди. Кўриб турибман, газабдан кип-кизариб кетган Назаров аскарларни килич дастаси билан туртиб, илгарига ундар, улар эса тихирлик килишарди. «Черкасов!—унинг овози гуриллаб эшитиларди.— Бу аблахларни бошлаб саваланг!..» Бундай вақтларда мияда фикр чакмокдек тез тугилади, хаёлимга келган биринчи мулохаза шу бўлди — боришни хохлашмаяптими, демак кимдир уларни етаклаши керак; иккинчиси — олдинга юриш қандай бўлишини кўрсатиб кўяди-ган фурсат келди; учинчиси— ахир, ўлдириб кўйишади-ку; тўртинчиси — балки ўлдиришолмас! Бу ўйлар икки дакикагина давом этди; олдимда қандайдир харилар уюлиб ётарди, эгнимда тилга олишга арзимайдиган костюм, кулранг пальтомнинг олди очилиб кетгаи, бошимда кулранг момик шляпа, милтигимни даст кўтарганча хари устига сакраб чикдим, аскарларга караб: «Биродарлар, оркамдан олга!» деб кичкирганимча душман тўдаси жойлашиб олган уйга караб югурдим, улар тезда бу ерни тарк этиб, оркага чекинишди. Шу пайтдаги барча хатти-харакатларим, кечинмаларимни аклимда чамалаб кўраман, дастлабки ишим — уй олдига эсон-омон етиб олгач, деразала оралигидаги деворга капишиб олдим, кочишга шайланган душман дўлдек ўк ёгдирарди, ўк тегмайдиган жойда эдим; мендан кейин ўлимни бўйнига олиб чошиб келган Назаров хам шундай килди, аммо оркамиздан эргашган аскарларнинг кўпчилиги шу ерда макон топди; баъзилари тил тортмай ўлди, кўпчилиги яраланди, таъкибга кизикиб, илгарилаб кетганларнинг аксарияти душман кўлига тушди, уларнинг калласини кесиб, ўзлари билан олиб кетишди.

Ёш акарларнинг бири мени майиб килиб кўйишига сал колди; бошига ўк тегиб устимга шундай гурсиллаб куладика, пальтом бошдан-оёк конга беланди. У хириллаб ётарди, бир

чеккага олиб чиқишим биланок ўлиб колди. «Нега бизни бу ёкка бошладинг?» дегандек таънага тўла аянчли нигоҳ ташладик! Ўлаётган одамнинг бундай карашларини бир умр унутиб бўладими?!

Ёдимда бор, 1 май куни Самарканд остонасида — Чўпон отада бўлиб ўтган ва шаҳарни забт этиш билан яқунланган биринчи жангдан кейин генерал Кауфман яраланганларни кўргани борган эди, у бошидан жароҳатланган, шифокорларнинг хулосасига кўра ўлиши муқаррар бўлган ёш зобитга яқинлашди. Генералнинг меҳрибонлик ва ёкимтойлик билан берган барча саволларига ярадор охиста, бамаъни ва хушмуомала жавоб кайтарганини эшитиб турдим. Кауфман асосий иш килингани, душман мағлуб бўлиб, шаҳар ишғол этилгани хақида гапира бошлаган эди, бемор ҳеч қандай жавоб бермади, аммо шундай тикилдик, нигоҳида қанчалик алам, нафрат яширин эди!

Душман чекинганига карамай, хали кетмаган, ўк узиб бизни безовта қилиб турарди, Назаровни ҳужумга ўтишга кўндирдим: тўсиқдан сакраб ўтдик ва қучли «ура!» садолари остида рақибнинг ўнг қанотида қараб ташландик. Мен олдинда чопиб борардим, бахтимга орқамга бурилиб қарардим. Қарангки, ҳеч қим изимдан қелмаётган эди, аскарлар қўй подасига ўхшаб бир жойда гуж бўлиб олишган, «ура!» деб бақирарди, ўк отишар, аммо жойидан қимирлашмасди. Назаровнинг дўппослашлари, аблаҳлар, кўрқоклар деб сўқинишлари беҳуда қетди, менинг: «Биродарлар, орқамдан олга!» деб қучим борича қич-қирришларим беҳуда қетди — орқамдан ҳеч қим бормади; бутунлай томоғим бўғилиб, сабр-тоқатим тоқ бўлгандан кейин Назаровга муқожаат қилдим: «Боришмайди, Николай Николаевич, қайтишга буйруқ беринг!» Ногорачи қордикка қорлади, изимизга қайтишга мажбур бўлдик. Аскарлар нега боришдан қоз қечишди? Биз қоз эмас, юз эллик қоглик эдик, душман ҳам нари қорса қкки юз қиши атрофида, қунинг устига тўзғиб қетган, қухсиз ақволда эди, аниқ эсимда қолгани шуқи, олдинқилар ҳадеб орқага қириқнишга қуриқшар, юзларига дақшатли қўрқув иқодаси муқрланиб қолқанди, тўла ишонқ билан айта олмайман-қу, аммо тақминимча, аскарларимиз ташқарига қикиб, қалъадан узилиб қолишдан ва шаҳардақи беқисоб қўчалар, торқўчаларда адашиб, йўқ бўлиб қётишдан қаттиқ ҳадиксирашқанди. Нима бўлқанда ҳам душман улоқтириб ташланди, сўнғи хамламиз беқиз қетмади, шундан кейин биз томонга қамроқ ўк отиладиған бўлди.

Шу ерда айтиб ўтишим қераққи, мен қўрқоқлик сифатида бақолаётган бояқи қолатни тушуниш ва авқ этиш лозим, деб ҳисоблайман, сабаби хали бундан ҳам қучли ҳавқ-хатарга дуч қелишимиз мумқин эди. Баъзан шундай бўладиқи, «Қўнғлим сезяпти, фалон нарса мана бундай бўлмасайди, деб қўрқяпман», синқари тақмин билан қийналиб, гапириб қурасан. Аслида, бутунлай бошқача бўлиб қикади ва бояқи қолатни унутиб юборасан. Ёш зобитлардан бири тўсиқ ортида томлардан ёғилаётган ўк ва тошлардан қири-ниб ётқанча, қўрқув босиб, қалтираб қолди. Олдиға эмақлаб борқанимда, қулогимга шивирлади:

— Бугун мени ўлдиришади, сезиб турибман.

— Бемаъни гапларни қўйсанғиз-қи! — жерқиб бердим мен.

— Ишонмаяпсизми? Мана, хали қўрасиз...

Муқозара қилиб ўтиришға фурсат йўқ эди, леқин у оқирғи сўзларни қанқалик ишонқ билан айтаётганиға хайрон қолқаним эсимда.

— «Бечора». Хаёлимдан шу фикр ўтди. Бундай қераққисиз туйғу қандай қилиб қўнғли-дан шу қадар мустақкам жой олди экан? Хўш, кейин нима бўлди дейсизми? У соппа-соғ қолди, хатто яраланмади ҳам.

Жанглар пайтида биз анчагина одамимизни йўқотдик. Кейинчалик ўзим икки арава мурдани саржин килиб тахладим. Баъзилари таёкдек котиб колган, бошкаларининг огзидан пуфакчалар хамон чикиб турарди, бу жанг олдидан бир кадах ортикча арак ичганидан нишона эди. Шу пайт негадир замбарагимиз ўк отмаётганини сезиб колдик. Назаров суриштириб кўрди, маълум бўлишича, хар доим ўз бурчини аъло даражада адо этиб келган тўпчи галабани эртарок нишонлаб кўйган экан; у бир неча кадахни ортикрок отиб олиб, ширакайфлик билан гранатани кувурга шундай жойлаштирибдики, уни на отиб, на олиб бўларди! Вактихушлик билан таркалишдик. Хаммамиз шунчалик толиккан эдикки, хатто ўлган ва яраланганларни йигиштириб олишга хам хафсаламиз келмади. Калласи кесиб олинган бир неча мурда караб бўлмайдиган холатда эди, аввал айтганимдек, ўлжадан курук колмаслик учун улар елкадан жуда чукур кесиб олинганди. Аскарлар мурдалар атрофида уймалашиб, мархум «Сидоров ёки Фёдоров» эканини аниклашарди, факат жасаддаги айрим нозик белгиларга кўра хамюртлари биттасини зўрга танишди. Маълумки, душманнинг хар бир кесилган боши учун, асосан кимматбахо тўн билан такдирлашади, бу одат факат Ўрта Осиёдагина эмас, Европадаги турклар, албанлар, черногорликлар ва бошкаларда хам мавжуд. Бу нарса менинг суратларимдан бири учун мавзу бўлди, унда ўлдирилган душманнинг бошини копга солиш манзарасини акс эттирдим.

Ўша хамла пайтида бир ўк бошимдаги шапкани учуриб туширди, иккинчиси кўкрагимда турган милтик дастасини пачаклади — бир мўъжиза билан омон колдим. Кейинги кунларда зобитлик фуражкамнинг ок гилофини кийиб юрдим, у хозир хам буюмларим орасида сакланади. Назаров зиён-захматсиз чиқди. Бу одамда кандайдир фавкулуд-да жасорат бор эдики, аскарлар тилида у бебош жасорат деб аталади. Хужум чогида ракибларимиз анча ичкарига кириб боришган, хатто дарвозага туташган уйлардан бирининг пештокига,— нималардир ёзилган, назаримда Оллохнинг номи бўлса керак,— катта кизил байрок тикиб кетишган эди, карама-карши кўчадаги уйлардан хамон ўк узиб туришгани учун уни олиб ташлаш кийин эди. Бутун калъа ахлини иснодга колдирган бу байрокни ечиб тушишга ахд килдим, Николай Николаевич билан маслахатлашиб олгач, ён-атрофга ўк ёгилиб турганига карамай, бу вазифани муваффакият билан адо этдим. Кўлга туширган ўлжамни дастасидан баланд тутган холда тантанали равишда отахон командиримизга, яъни Назаровга топширдим. У нима килди денг? Кутволга бердимми? Сафар черкови остонасига кўйдими?—Йўк, мени танг колдирганча, байрокни пайтава килиш учун аскарларга ошириб юборди. Кейинрок Кауфман чодир атрофига кўйилган байрок ва нишонларни кўздан кечиргач, меники улардан кўра каттарок ва чиройлирок эканига ишонч хосил килдим. Бундан хам аянчлисиз шу бўлдики, отимни зўрга кидириб топдим, уни арконлаб кўйишибди, мен ватан учун кон тўкиб юрган пайтимда ёрдамга хайдаб келинган казаклардан бири юганни шилиб кетибди. Тан оламанки, бунакасини кутмаган эдим!

— Василий Васильевич,— мени чакирди Назаров хамма иш саранжом бўлгач,— юринг, нордон нарсалардан тамадди килволайлик.

Сарой ховлисига кириб борганимизда, хамма миннатдорчилик билдириш учун ёпирилди, жухудлар, татарлар, форсларни кўяверинг, хатто ярадорлар хам эмаклаб келиб Назаровни табриклашди. Дахшатли отишмаю кичкирикларни эшитиб жим ўтириш ва хар дакикада тўгон ёрилиб, хаммаёкни сел босиши мумкинлигини хис килиб туриш канчалик огирлигини англадим. Биздан кўра, четдагиларга кийин бўлгани аник.

Таниш савдогарлар эса нак бўйнимизга осилиб, шу пайтгача бунаканги отишма ва урхо-ур

бўлмаганию хар дакика биз учун тоат-ибодат килиб туришганини тан олишди.

— Яраландингизми?— деб сўрашди пальтомдаги кон доғларини кўриб, кўшним мени кандай килиб конга бўяганини айтиб беришимга тўғри келди.

Оёгимни кўздан кечириб, суякдаги кичкина жарохатдан анча-мунча кон кетганини сездим. Мехрибон Трубчанинов вахимага тушиб, докторга боришга ундади, аммо на кўйлагим, на шим, на ич кийимларим йиртилмаган, оддий лат ейиш эканлиги шундок кўриниб турарди, тош тегиб яраландим, деб юришнинг ўзи уят эди. Спуженкони кўргани кирдик. У бизни танигандек бўлди, аммо гапиролмади. Ёнидагиларнинг айтишича, у ог-рикдан каттик кийналарди. Бир кундан кейин ўлганини эшитдик. Дарвоза олдига кайта-ётиб, бир неча зобитга дуч келдик, улар жанг тафсилотларини билгани келишибди, кан-дай олишганим, жонимни жабборга бериб харакат килганимни оркаваротдан эшитиш-ган экан, мени самимий кутлашди.

— Биринчи мукофот сизники, Василий Васильевич,— деди Б- мени хурсанд бўлади, деб ўйлаб. Аммо бунга катъиян карши чикдим, сабаби, тан оламанки, бундай олқишлар гарчи шухратпарастлик сари етакласада, у барибир табиий нафрат туйғуларига йўғрилиб кетади, сабаби, хаётимнинг энг яхши дакикалари саналадиган мана шу икки кунни энг юксак дўстлик, самимий кардошлик рухида ўтказдик, ҳаммамиз бир жону бир тан бўлиб ягона максад — калъани саклаб қолиш учун курашдик. Мен яхши эсламан ва астойдил айтаманки, жанг пайтида кандайдир мукофот олишни хаёлимга ҳам келтирмаганман, энди дабдурустан ким кандай хизмат килгани-ю, ким нима олиши (олармикин?) мумкинлигини хисоблай бошлашибди. Биродарлар! Шафкат килинглари... Диккатим ошиб, милтигимни олдим-да, «куён»ларни отиш учун, йўк, йўк, ўқлар остида сайр килиш учун дарвоза тепасидаги минорага караб кетдим.

Кечга якин биздаги ахволни билгани бошка дарвозалар олдидан икки зобит келди.

Осойишталик хукм сураётгани учун уларни дарвоза ортидаги «хиёбон»га, яъни мурда-лар калашиб ётган кўчага таклиф килдим. Кўлларидан ушлаб тўсиқдан ташкарига олиб ўтдим; Назаров, Черкасов ва бошка зобитлар, бизга хамрох бўлишди. Очигини айтсам, хозирги сукунат юракни сиқиб юборадиган даражада огир эди, якин жойда ит хурар, ёниб тамом бўлаётган уйларда олов чирсилларди; мендан бир газ наридаги кум уюми-га шипиллаб теккан ўк бизни кузатиб туришганини англатса, яқинлашиб келаётган овоз-лар вақт ганиматда жуфтакни уриш лозимлигини билдирарди, бунинг устига куроллан-маган эдик. Коронги тушгандан кейин Назаров бизни яна хамлага бошлаб борди: девор ёнидаги уйларнинг хаммасини ёндириб, бу гал анчагина узокка, дастлаб манзил килга-нимиз бурчаккача бордик, ёнгин шуъласи кахрамонлигимизни камал килувчиларга билдирадиган даражага етгандан кейин биронта одамимизни ҳам йўкотмай, кочиб қолишни маъкул кўрдик.

Назаров бутал хам туфлида экан, оёгини куйдириб олишига сал колди, нима хам дейсиз, тарки одат — амри махол экан-да!

Навбатдаги — учинчи кунда отишмалар гоҳ зўрайиб, гоҳ камайиб турса-да, калъага кучли хужум бўлмади. Назаров девор бўйлаб кетган иккинчи кўчадаги уйларни хам ёндириб юбориш учун шахар ичкарисига хамла уюштирди, бу оддий хавфсизлик учун зарур бўлиб, бош кўмондон уни анча илгари амалга ошириши керак эди, табиийки, у азбаройи оккўнгиллиги туфайли хамда ахолига ортикча зарар етказмасликни ўйлаб бун-дай килмагани — окибатда анча одамимиз кирилди, бунинг устига, калъадан ажрали-шимизга сал колди, мабодо энгилганимизда бутун Ўрта Осиё халки кўзгалиб кетган бўларди. Агар калъа атрофи вақтида тозаланиб, хавфсизлик сархади вужудга

келтирил-ганда, хужум бўлган такдирда ҳам ишимиз хозиргига караганда беш баравар осон ке-чарди. ..

Хамлага шайланган отрядимиз бир кисм аскар ва зобитни Бухоро дарвозасида колдириб, Жиззах дарвозасига йўл олди. Замбаракдан ўк узилгандан кейин ялписига «ура!» деб кичкирганимиз захоти Назаров мушукдек эпчиллик билан деворга тирмашди. Мен уни тезда кувиб етдим, олдинга чопиб ўтдим ва биринчи кўча муюлишига борга-нимдан кейин, дўкон олдида тўхтаб шерикларимни чакирдим: тўзгиб кетган бир тўда оломон кўз олдимда кочиб борарди, баъзилари оркасига ўгирилиб ўк узишар, кўпчилигида милтик ҳам йўк, кўлларисидаги батик ёки килич билан ўзларини химоя қилишарди. Шу ерда бир кўнгилисиз иш бўлиб ўтди: «ура!» деб кичкирганча кўча бўйлаб чопиб борардик, мен хаммадан олдинда эдим, қочаётган икки сартни кувишга берилиб кетиб кўчанинг ўнг юзига ўтдим, улар ҳам ўнг томонда эди, изма-из чопавардим. Олдиндагиси дарвозага кириб улгурди, оркадагисига етиб олдим, у бурчакка қапишган холда калтагини шай қилиб, мени пойлаб турарди, зарб билан найза санчдим, аммо пахталик тўни калин экан, бунинг устига у жон-жахди билан найзага чанг солиб, хамлани қайтарди, ўз навбатида кўлидаги калтаги билан тушириб колди. Ёка бўғишиб, олиша кетдик. Бошига мушт туширишдан бошка чора тополмадим, чангалимда уйларни ёқишга мўлжалланган гугурт бор эди, у аланга олиб, кўлимни куйдирди. Бундай укувсизларча олишаётганимни кўрган рақибим, (у соқоли оқара бошлаган бакуват киши эди) кўлидаги қуролини ташлаб, меникини тортиб олишга урина бошлади, бахтга қарши дарвоза ортига яширинган сарт ҳам қайтадан мўралаб, бурнини чиқариб колди. Хозир мени ўлдиришларига эклим етди, атрофда ҳеч ким йўк эди, кучим борича: «Биродарлар, кутқаринглар!» деб кич-кира бошладим, ёрдам қилишига ишонмагандим, эмма эскарлар эшитишибди: биттаси чопиб келиб колди, кўлида милтик, қулочкашлаб урди, аммо сарт бу гал ҳам жон-жахди билан ёпишиб, найзадан омон колди, шунда солдат яна санчди, бу сафар найза ўз кучини кўрсатди— рақибим букчайиб колди. Мен аскарга чин дилдан миннатдорчилик билдирдим ва кутқаргани учун 10 сўм ваъда қилдим. Аммо бу сабоқ кўзимни очмаган экан, аскарлар оркасидан югуриб бориб, иккинчи марта олдинга ўтиб кетдим. Узлуксиз «ура» садолари остида сийраклашиб қолган душманни таъқиб қилар эканмиз, бир нечтаси дўконга кириб олганини кўрдим, яна шерикларимдэн ўзиб кетиб, уларнинг оркасидан ўзимни урдим. Кўпчилик бўлиб менга ташланишди, биттаси нима биландир туширди, бошқалари милтигимни тортқилашарди. Тан оламанки, биродарлар, милтикни олдириб қўйсам шарманда бўламан, деб ўйладим. Тагин аскарлар жонимга ора тушди, хэммаси-ни найзага санчиб, мени кутқариб қолишди. Вақти-вақти билан тўхтаб, бордонларни ёқиб бордик: тез орада бутун кўча аланга билан копланди, қаердан ўтган бўлсак, орқамиздан қорэ тутун бурқисиб кўтариларди.

Хэммзёк дўконга тўла бўлса ҳам эскарлар ўзларини тийиб боришди, талончилик қилиш хаёлда ҳам йўк эди, ўлдиришга қелганда-ку, элбэттэ, қимқи дуч қелса хаммасини ўлдириб кетаверишди, аммо ортиқча шафқатсизликка йўл қўйилмади. Бир марта кўриб қолдим, эскарлардан бири чўзилиб ётган ўликнинг кўзига найза санчди ва шундай торт-қилаб ағдардики, хатто қирсиллаган овоз чиқиб кетди, мен: «Нима қилаяпсан, ўзи», дейишга оғиз жуфтлаган ҳам эдимки, Назаров унинг башарасига шарак этқазиб тарсақи солиб юборди: «Хой аблах, ўликқаям тегасанми!» Шу тахлитда Бухоро дарвозасига етиб бордик, икки-уч кишигина сафдан чиқди, улар ҳам яраланган эди, холос.

Қайтиб қелсак, бизни қутвол бир неча зобит билан қутиб турган экан, Назаров жудэ оз одам билан тавакқал қилиб хужумга ўтди, деган хабарни эшитиб, қаттиқ кўркиб кетибди,

талафот кўрмагзнимизни билгандан кейингина у тинчланди. Биз сафга тизилдик, мен ўнг канотдэ турдим; Штемпель таъсирли иборалар билан хужумларни кайтарганимиз ва дадил хамла уюштирганимиз учун миннатдорчилик билдирди, шаънимга айтилгон бир неча жуфт мактов сўзларини йигидан ўзимни зўрга тийган холда тўлкинланиб эшитдим. Маълум бўлишича, шоввоз Штемпельга: «Назэров одамларни роса маст килиб улар билан сахарга кочиб кетди», деб уни ишонтиришгэн экан — у нокулай эхволда колди ва бундан кутулишнинг тўгри йўлини топди. Боз устига, минг эшитгандан бир кўрган яхши деганларидек, истикболимизга чикиб хамма шубхаю гумонга чек кўядиган иш килди. Менинг олишувларим хакида роса хэзил-хузул гэплар таркалди. Биринчи гал-дагисини «халоскорим» бичиб-тўкирди, кейин етиб келганлар бу тўкнашувни кўролмаи колишганди. «Кимдир «Куткаринглар!» деб бакираётганини эшитиб колдим,— дер эди у.— Гизиллаб борсам, Вэсилий Васильевич, рангида кон колмапти, нак ажалнинг ўзи дейсиз! Кекса бир сарт билан олишиб ётипти...» Иккинчи «ходиса» катта кўчада, хамманинг кўз ўнгида юз берган эди, уни кўрган зобитлар кейинчалик: «Василий Вэсильевич, нима гап ўзи, дўконга таклиф килишувдими?» ёки «Василий Васильевич, милтигингизни тортиб олишларига сал колди дейишади, шу гап ростми?» кабилида тегажоклик килиб кулиб юришди... Тан олэмэнки, мени бошка нарса худди вахимали тушдек каттик азобга соларди, буни бошкаларга билдирмасдим, албэтта. Нега револьверимни ишлатмадим ўшанда? Чўнтагимдэ кичикрок бўлса-да, «Смит и Вессон» бор эди, калибри унчалик эмасди-ку, ammo якин масофадан отилса одамни ўлдиришга кифоя киларди. Нимэ учун уни ишлатмэдим? Жавоби осон, уни унутиб кўйган эдим. Кейинчалик хам, гохо кундузи, гохо уйкуга ётганимда ё бехос уйғониб кетганимдэ эна шу пайтдаги хатти-харакатларимни кўп марта тахлил килиб чикдим, хаёлимдэ ўша олишувни жонлантириб кўрдим ва револьверимдан икки, хатто уч бор ўк уздим ёки худди аскар килгэни каби душман кўлидан найзани тортиб олиб, кайтадан санчиб, ич-ичигача киргаздим... Хар холда, буни эскаргина эплай оларди, деб таскин берардим ўзимга, сабаби, мен ракибнинг калтак тутган кўлини ушлаб тургандим. Нима бўлганда хам эпсизлигимни кечиролмай юрдим, факат якиндагина бир ишонч туфайли тасалли топдим, энг оддий нарсани амалга оширишдан кийини йўк экан...

Хаво исиб кетди. Хотираларимни кайд этиб ббрадиган дафтарларим хозир кўлимда йўклиги учун оининг кайси куни эканини аник айтолмайман, ammo майнинг охирлари эди, куёш аёвсиз киздирарди, дарвозамиз атрофида ётган мурдалар бадбўй хид тарката бошлади, чидашдан ўзга илож йўк, узлуксиз хужум килиб туришгани учун девордан ташкарига чикиб бўлмасди — ортикча курбон беришни хохламасдик. Салгина осойишталик бошлангач, Назаров ўликларни йигиштириб олиш учун ташкарига чикишга карор килди, бу кўнгилсиз иш билан банд бўлган чоғимизда алохида бир гурух бизни кўриклаб турди, мурдалардан чикаётган хиддан каттик жирканишимга карамай, асосий хизматни тагин ўз зиммамга олишимга тўгри келди. Ишонасизми, хеч ким бетлаб боролмасди, аскарларнинг хаммаси кусиб юбораверди. Черкасов-ку амаллаб буйрук килиб турди, лекин кадрли Воронеж бир неча уринишдан кейин кўзлари кизариб, зўрга бир чеккага чикиб олди. Илож йўк, мен илинадиган жойларга найзасанчиб, мурдаларни судраб йўл четидаги катта арик, яъни зовурга ташлаб келавердим. Шундок девор ёнида дахшатли илк хужум чоғидаёк ўк еган бўз от чўзилиб ётарди, афтидан эгаси

бошликлардан бўлса керак, мана шу бакуват тулпорни ўйнатиб, олдинги сафда келаётганида ўкка учганини кўргандим, уни шу захотиёк суяб олиб кетишди, ўлик отнинг эса, мана энди яқинига йўлаш ҳам кийин бўлиб турибди. Уни жойидан кўзгатганимизда ириб ётгани учун бўгим-бўгимидан титилиб кетди — бу манзарани тасвирлашнинг ўзи машаккат — ҳаммамиз ўкчий бошладик, баъзилар икки букилиб, баъзилар эмаклаб чекка-чеккага кочди — сассигига туриб бўлмасди! Ахийри, катъий буйруқлар таъсирида инсофли одамлар чикиб, отнинг сочилган лош-лушини йигиштириб, бир чеккага олиб кетишди.

Кайд килишим керакки, аскарлар орасида яккол кўриниб турган хавф-хатарга тикка бораверадигани кам топиларди, аммо ажойиб, ботир йигитлар бор эди. Масалан, бакуват, каллахум малла Иванов буюрилган хар кандай топширикни тап тортмасдан бажарарди. У кўркунни писанд килмасди. Ичида нима борлигини билмайман-у, сиртдан караган-да у ўта ялковга ўхшаб кўринар эди. Самарканддаги жангу жадаллардан омон чикди, аммо, кейинчалик менга айтишларича, боскинлардан бирида ўкка учибди. Мана шу пахлавон йигитнинг ношудлиги оқибатида минорага ўк отиш учун чиккан 10—20 чоғли одам ўлиб кетишимизга оз колди. Камал килаётганлар девор остида кандайдир ишга зўр беришаётган эди, лахм кавлаётган бўлишса керак, деб ўйладик, бунинг устига пойлокчилар ҳам кўйиб кўйишганди, хамла уюштириб, одамларимизни хавф остида колдиргандан кўра, кўл гранаталари билан саранжомлаб кўя қолишни мўлжалладик. Бу ишни Иванов койиллатмокчи бўлди, у баландликка ўрнатилган хариға осилганча ўртоқлари билан шивирлашиб, сўкиниб гаплаша бошлади. «Нега караб турибсан, узат!», «Ма, ол, тагин сал баландрок чик!» «Баландинг нимаси, керак бўлса ўзинг чик, хали ташкариниям хохлаб коларсан!» Нихоят, у кўлиға гранатани олди, кулочкашлаб улуктираман деганда, фало-кат босиб, нак ўртамизга тушириб юборса бўладими!.. Хамма, шу жумладан мен, кўр-кувдан донг котиб колдик, сўнг ахвол чатоклигини сезиб, куёндек сакраб чикар эканман, кичкирдим: «Кочинглар, биродарлар!» Хаммамиз, шу катори Иванов ҳам, кочиб улгурдик, дахшатли портлаш эшитилди, у тор жойда ёрилгани учун бир дунё гишт ва тошларни устимизга ёғдирди. Ивановнинг ўртоқларига бахона топилди денг. Эртадан-кечгача уни мазах килишарди: «Хаммамизни шу ерда ўлдириб кўйганинда нима бўлар-ди, а, Ивануф? Йўк, хаммасиям майли-ю, Василий Васильевични саранжомлаб кўяй деганини айтмайсанми?» Иванов хижолатдан ўзини кўйишга жой тополмас эди. Доим ёнига тушардим: «Бўлди-да энди, ўтган ишга салавот, хадеб хафа килаверасизларми?» Аммо хазилкашлар ўрни келиши биланок тегажокликни бошлашарди: «Кани, Ивануф, кандай килиб бизни портлатиб юбормокчи бўлдинг, айтиб бер-чи!»

Камалнинг биринчи кунёк кутвол ерлилардан бирини генерал Кауфманга чопар килиб юборган экан, у кандай килиб бўлмасин бизга жавоб олиб келишга ваъда берипти. Топширикни бажаргани эвазига бу йигитга 100 сўм пул хамда кўшимча имтиёзлар ваъда килинган экан, ундан дарак бўлмагач, ўлдиришгандир, деб ўйладик, дархакикат, шундай бўлиб чикди. Хар куни майор Серов катта мукофотлар эвазига ишончли кишиларни изларди, бизнинг ночор ахволимизни бош кўмондонга етказишни зиммасига олувчилар кўпайиб кетди. Кутвол немис тилида кискагина хат битиб, хужумлар тўхтамаётгани, тоза сув, туз етишмай қолаётгани, ўлган ва ярадорлар кўплигини, хуллас, ахвол огирлигини маълум килганди... Жавоб йўк эди! Кейинрок эшитдимки, кучли хужумдан сўнг, яъни иккинчи кунёк кутвол харбий кенгаш чакирган экан, унда охирги имконият колгунча курашамиз, м.абодо маглуб бўлсак, яъни калъага ёриб киришса, хаммани амир саройига

тўплаб, охирги нафасгача химояланамиз, кейин эса бинони портлатиб юборамиз деган карорга келишибди. Шунисигаям раҳмат!.. Назаров эса, менга айтишларича, бунга кўнмапти, агар калъани топширишга тўғри келса, гарнизоннинг колган-кутган кучлари билан ёриб ўтиб, асосий отрядга етиб олишни таклиф килипти. Мулоҳазаси инobatга олинмаган бўлса-да, кейинрок менга вазият такозо этса, барибир шундок киламан, яъни таваккал килиб, ўзим ёриб ўтаман, деб гапириб юрди. Штемпелга келганда, бу заиф, ажин босган, ёкимтой, камгап рус немиси, аслида немис тилини зўр-базўр гапирар-ди, буйрукни беками-кўст адо этиб, бизларни аввало хавога тўзгитиб, сўнгра ҳеч ким кайтиб келмайдиган маконга жўнатиб юборишдан тап тортмаган бўларди.

Биз, ёшлар, хали ҳеч нарсани билмасдик, командирларимиз шунчалик конхўр қарор чиқариб кўйгани хаёлимизга ҳам келмасди. Учинчи кунда, Серовнинг айгоқчилари етказган маълумотга кўра, генерал Кауфман бизни кутқариш учун келаяпти, деган гап тарқалди, кутвол кўнглимизни кўтариш учун бу хабарни бутун гарнизонга эшиттириб чиқди, аммо бунга тўла ишониб бўлмасди. Кейинчалик билдикки, юкоридаги маълумотларни Кауфманга элтаётган йигитларнинг биронтаси ҳам унинг хузурига ета олмапти; уларнинг ҳаммасини йўлда тутиб олиб, сўйиб юборишибди. Пиёда холда, яшириниб, эмаклаб кетаётганлар ҳам омон колмабди. Генерал эса Зирабулок атрофида амир кўшинини енгандан кейин хужумни тўхтатган экан, бу хабар одатдагидек шамол тезлигида тарқалиб, Самаркандни камал килаётган довьюракларнинг шахдини анча бўшаштириб кўйибди.

Амир тор-мор этилгач, Кауфман харбий кенгаш чакириб, олга юрамизми ёки кайтамизми деган масалани муҳокамага кўяди. Менинг кадрдоним, генерал Гейнс тўхтовсиз Бухорога юриш, уни кунпая-кун килиб, шу ерда амир билан сулх тузишни маслаҳат беради; генерал Головачёв қарши фикр билдиради; у Самарканддан хабар келмаётганига диққатни тартади, шаҳарда кўзголон кўтарилиб, айрим миш-мишларга караганда калъа камал килинган ёки шахрисабзликлар кўмагида забт этилган бўлса керак, дейди. Биздан хабар йўқлигидан каттик хавотирга тушаётган генерал Кауфман ҳам кейинги мулоҳазага кўшилади, шундай килиб биз кутулиб колдик, отряд Бухорога юрганда, калъани ушлаб туролмаслигимиз аниқ эди. Мисол учун, шахсан ўзим, жасур ва толмас химоячилардан бири сифатида дадил айта оламанки, чарчаганимни сеза бошлагандим: иккинчи кунги кучли хужумдан кейин мутлако самимий холда ўзимга-ўзим агар ахвол мана шундай давом этса, «кучимиз етадимми-йўқми?» деб савол берган ва «даргумон» деб жавоб кайтарган эдим.

Худо бечораларни ўз паноҳида асрайди, Дейишади. Г.ларнинг бири жуда аклли, истеъдодли эди, иккинчи Г. эса ботир бўлса-да, қобилияти ёркин сезилмасди, қарангки, биринчиси янглишганди, иккинчиси эса вазиятни тўғри баҳолади, бунинг учун раҳмат, энг мухими, уни тангри ёрлақасин, у яқинда қора-юришлардан бирида халок бўлди.

Асосий отряд ёрдамга келаяпти, деган хабарни эшитдик, аммо кунлар ўтса-да, ундан дарак йўқ эди. Одатдагидек, эртадан-кечгача отишма тўхтамасди, гоҳ у, гоҳ бу ёқ-дан хужумга ўтишарди-ю, аммо у илгаригидек шиддатли эмасди. Хужумчилар қамайиб бораётганини кўриб турардик, кейин билсак, Шахрисабз кўшини Ярим подшоҳ газабидан кўркиб, улар генерал-губернаторни шундай аташарди, кетиб қола бошлабди ва тез орада бутунлай гойиб бўлибди.

Шу вақт ичида савдогарларимиз ҳам анча тетиклашиб қолишди, бир тўда бўлишиб, бирга истикомат киладиган таъминот бошлиги ҳамроҳлигида девор устига чиқишди. Хайхот! Шу захотиёқ отахон командир, таъминот бошлиги ўқ еб ўлди, таъзирини еган бутун гуруҳ

иккинчи дадиллик килмайдиган бўлиб, уйга караб жуфтакни ростлашди.

Биз бошка хамлага чикмай кўйдик, бусиз хам талафот кучли эди, кутвол таваккал килишни маъкулламади, аммо девор яқинидаги уйларни ёндиришда давом этдик. Назаров отряд келиши кутилаётган Бухоро дарвозаси тарафдаги уйларни битта колдирмай ёндириб чикди, ўзининг тан олишича, шу йўл билан кўмондонга сафарга чикишдан олдин калъа хавфсизлигини таъминламаганини таъкидлаб кўрсатиб кўймокчи экан.

Кўпдан-кўп фазилатларга эга бўлган Кауфман юксак даражадаги олижаноб инсон эканини хам айтиб ўтсак зарар килмайди: Самарканд забт этилганда аҳолига тирнокча озор етказмади, шунинг учун у калъа атрофида яшайдиган ва бизга тўғридан-тўғри каршилиқ кўрсатмаган беҳисоб одамларни хонавайрон килишни хохламаган эди, албатта — калъани мудофаага шайламасдан туриб, амирга карши юриш бошлаганига сабаб шу эди.

Галламиз етарли эди, эслатиб ўтганимдек, туз камайиб борарди, гўштимиз хам кўп эди, аммо от ва молларга ем-хашак етишмай қолаётганди, харбий холат такозосига кўра ўзимизча пичан гамлашга киришдик. Девор тагидан казилган лахмдан чикиб, пойлоқчилик килиб турардик, ўрокчи аскарларимиз чор атрофдаги боглардан беда ўришарди, мўлжалдаги микдорга етгач, ҳеч қандай зиён-заҳматсиз тичгина калъага кириб олардик.

Тезда халос бўлишимизни кутиб ётганимизда артиллерия бошлиги минорасидан ярадорларимизга карата ўк отилган мачитни вайрон килмокчи бўлипти. Мачитларга ишқибозлигимни билган савдогар Трубчанинов мени дараклаб келди:

— Василий Васильевич, сувокларини кўчириб юборишади-ку!

У сувок деб мачитни бошдан-оёқ бежаб турган ва мен ҳар доим завкланиб томоша киладиган ганчларни айтаётган эди.

— Каерда? Қандай килиб?!

Мен М.нинг олдига югуриб бордим ва минорага заҳмат етказмасликка зўрга-зўрга кўндирдим, аммо бир неча ядро отишга улгуришган экан.

Камалнинг бешинчи ёки олтинчи куни, яхши эслолмайман, дарвоза олдида коғоз силкитаётган бир одам кўринди. Назаров отманглар, деб тайинлади ва уни чақирди.

Сер-соқоя, ўлимни писанд килмайдиган баходир йигит экан, ўкталиб турган милтиқларимиздан тап тортмай мактубни олиб келди, ёзуви бошқача бўлгани учун Назаров менга уни кутволга етказишни буюрди. Мен коғозни олиб, милтигимни елкамга осдим-да, ўз из-затини билиб, мағрур турган элчини хайдаб кетдим; амир саройи бўсағасида ярадорла-римиз ва бошка ҳар хил харбий асбоб-анжомлар ётган эди, дастрўмол билан кўзини боглар эканман, унга ерлилар тилида:

— Кўркма,— дедим.

— Ҳеч нарсадан кўркмайман, — деб жавоб берди у.

Елкасидан ушлаган холда, кутволнинг хонасигача етаклаб бордим ва богични ечдим. Штемпель хузурида ерлилар тилини яхши биладиган Серов ўтирган экан. У коғозни кўлига олиб, кўз югуртиргач: оғзига олиб бўлмайдиган энг болохонадор сўзлар билан йигитни сўка бошлади, маълум бўлишича, у таслим бўлишга даъват этувчи мактуб олиб келган экан. «Кутулишингизга йўл йўк,— деб ёзишганди камал килувчилар,— калъани топширсанглар, соғ-саломат чиқариб юборамиз».

— Бошка керагим йўкми?!—сўрадим бошлиқлардан.

— Йўк, кетишингиз мумкин.

Мен кайтиб келиб, таслим бўлишга даъват этишгани ва бу таклифдан жазавага туш-ган кутвол элчини нихоятда ёмон каршилаганини ўзимизникиларга сўзлаб бердим.

Ёрдам келаяпти, деб эшитган ва ҳеч қандай дарак йўқлигини кўриб тоқати тоқ бўлган аскарлар орасида яна: «бу ерда кишлаймиз, шекилли, бизни унутиб юборишди», деган гаплар оралаб қолди. Нихоят, еттинчи куни, сахар чогида генерал хузурига эсон-омон етиб борган ёш бир йигит жавоб мактубини олиб келди. Уни нақ халаскоримиз сифатида каршиладик, чанг-тўзонга ботган, афти-башараси ифлос, иркит латта-путталарга ўранган бўлса-да у хамминг кўзига оловдек кўринди. Бунинг устига, унинг ўзи ҳам қанчалик муҳим топширикни адо этгани ва жасорати учун 300 сўм пул мукофоти ҳамда аскарларга бериладиган авлиё Георгий нишони билан (агар янглишмаган бўлсам) тақдирланганидан хабардор эди. «Бардам бўлинглар,—деб ёзган эди генерал Кауфман кутволга,—эртага мен олдингизда бўламан». Мактуб мазмуни билан танишганимиздан кейин қалъа бўйлаб шунақанги қучли «ура!» садолари жарангладик! Албатта, кўзголонтчилар юткизишаётганини англашди ва бир неча газабнок ўқ узишдан бошқа чора топишолмади, энди улар бизни жиддий ташвишга солмай кўйишганди. Маълум бўлишича, бояги йигитгина отрядга ўтиб олишга ва кайтиб келишга улгурган экан, қолган олтитасини йўлда ушлаб ўлдиришибди.

Отишмалар давом этиб турди, хатто кечаси тревога кўтарилди, қоронгида қиска хужумга ўтиб кўришди, аммо, барибир, бизнинг жангномамиз охирига етган эди.

Шу тунда отряд шаҳардан салгина узокда тунади, отишма овози эшитилиб турар, айникса, замбараклар товуши генерал Кауфманни хавотирга солипти. Кейинчалик Г.нинг менга айтишича, қалъа қўлдан кетиб қолмасин, деб туни бўйи ухламай чиккан экан. Кейинги куни Назаров ва бошқа зобитлар отрядни бирга кутиб олайлик, деб қисталанг қилишларига қулок солмай хужрага йўл олдим ва саккиз кун мобайнида биринчи марта тоза чойшаб устида ётиб, ухламокчи бўлдим. Аммо бунинг уддасидан қиколмадим, асаблар ҳамон таранг эди. Энди мудрай бошлаганимда хонамга Николай Николаевич Назаров бостириб кириб келди.

— Василий Васильевич! Менга янги батальон беришди, юринг, шаҳарни ёндирамин!

— Йўқ, бормайман,— жавоб бердим мен.

— Нахотки, бормасангиз?!

— Йўқ.

— Унда ёлғиз бораверман, майли Назаров Самаркандга ўт кўйди, деб ҳамма гапирсин!!! Тез орада кўтарилган улкан қора тутун устуни Назаров ишга қиришганидан дарак берди — қаттақон бозор гуруллаб ёнар эди.

Олижаноб Кауфман кескин қоралар зарурлигини мутлақо англаган қолда атайлаб Самарканддан бир неча қақирим узокликда тунаган, бу билан қўп сонли ақоли, айникса, аёллар ва болалар қочиб кетишига имқон қолдирган эди. Энди бўлса шаҳарни росманасига вайрон қилиш, ҳеч қимни ва ҳеч нарқани аяб ўтирмаслик тўғрисида шафқатсизларча буйруқ берганди.

Ўз ихтиёри билан жазоловчилар тўдасига қўшилган қарбий таъминотчи маъмурлардан бири менга сўзлаб берди: «Бир қанча аскарлар билан бир уйга бостириб қирдик, қариб қок суяқ бўлиб қетган қампир бизни «Омон, омон!» деб қаршилади. Ўтирган қилтасининг остида бир нарса қимирлайди — қарасак, 16 ёшлардаги йигитча яширинган экан! Судраб қикдик ва, албатта, бувисига қўшиб, найзага тортдик».

Аскарларга дўқонларни талашга руқсат берилганди, у ёқдан нималарни олиб қикишмади дейсиз! Улар ерқиларнинг бири-биридан қиройли ва нақис қийимларини қийиб,

такинчокларини такиб шундай галати кепатага тушишгандики, кўрган киши кулгидан ўзини сира тиёлмас эди. Бу ерда арзимаган бир-икки сўмга этнограф учун бутун бошли хазинага арзийдиган буюмларни сотиб олиш мумкин эди.

Ёнгин пайтида канчадан-канча мўъжизалар: кўхна ёдгорликлар, ўймакор дарвоза-лар, устунлар ва бошка нарсалар ёниб кетдики, эслашнинг ўзи дахшат!

Назаров саккиз кунлик камал чогида бесаранжомлик келтирган кўхна сахар билан ана шу тарзда хисоб-китоб килиб, таскин топаётган эди: айникса, у минорасидан туриб ярадорларимиз ва замбаракларимизга караб ўт отилган Шердор мадрасасига бутун кахру газабини сочганди, «Лаънати мачитдагиларнинг хаммасини найзага санчдим», деб мактанганди кейин у. Мана шу мачитда мен танийдиган мулла хизмат киларди, гарчи бизга карата машъум ўк узилган пайтда у хам иштирок этган, деб зимдан тусмол килсам-да, унинг такдирига бефарк карай олмадим, Назаров билан киргинда бирга катнашган зобитларнинг биридан мачитда одам кўп эдими, деб сўрадим. «Йўк, кўп эмасди,—деб жавоб берди у.

Лаънатилар кочиби колишибди!» Енгил нафас олдим. «Факат бир кекса муллага дуч келдик, ишонасизми, у худди мушукка ўхшаб кочиби, миноранинг учига чикиби олди».

— Кейин-чи?

Кейинми? Албатта, найза санчиби улоктириби юборишди.

— Уф!!

Генерал Кауфман кўз ўнгимда аник жонланиб турибди, шунча алгов-далговдан кейин у ёнида курол топилгани учун ушланган ёки бошка нохуш ишларда гумонсираб кўлга олинган турли-туман одамларни саройда судлаб, жазога хукм киларди. Зобитлар куршовида сафар ўриндигига ястаниб олган олижаноб Константин Петрович тўхтовсиз папирос чекар ва мутлако шафкатсиз охангда: «Отиб ташлансин, отиб ташлансин, отиб ташлансин, отиб ташлансин!» деган гапни такрорларди, холос.

Шу ердан ўтиб кетаётиб, тасодифан бу манзарага кўзим тушиб колди: махкумлар орасида сулх таклиф килиб дарвозамиз олдига келган таниш элчи хам бор эди.

— Нахотки уни хам отиб ташлашса,— сўрадим шу ерда турган генерал Г.дан,— бу одамни мард ва интизомли киши деб биламан.

— Константин Петровичга айтинг, — жавоб берди у. — Сиз учун кўйиб юборар.

Генерал-губернаторга мурожаат килишдан олдин кутволдан сўраш учун ўзимда журъат топдим:

— Майор, нима учун элчига жазо берилаяпти ёдингизда бўлса, у ўзини жуда сипо тутган эди-ку?!

— Аксинча, у ниҳоятда сурбет эди, мархамат килиб, менга бошка нарсаларни аниклашда кўмаклашинг.

Кўрдимки, аралашувдан хеч кандай натижа йўк, чекинишга мажбур бўлдим: битта кўп ўлди нима-ю, битта кам ўлди нима!..

Шу фурсат ичида элчига хам «отиб ташлансин!» деган машъум хукм ўкилди, у хамма гапни англаб турган бўлса керак, жикка терга ботган эди. Саройдан чиқар экан, бечора сув сўради, унга сув беришди, у ичди, енги билан лабини артди ва «хеч кандай гам-гусса, нолаюзор» йўк бўлган маконга караб итоаткорлик билан юриб кета бошлади.

«Русская старина» ойномасининг 1888 йил 9-сонидан олинди

Ортикбой АБДУЛЛАЕВ таржимаси